Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


№ 89 (6201). 6 май, 1978 йил • ШАНБА • Баҳоси 2 тийин.

КЎП НУСХАДА НАШР ЭТИЛДИ

«Ўзбекистон» нашриёти Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» номли эсдаликлар китобини ўзбек тилида нашр этди. Бу асар урушдан кейинги дастлабки йиллар тўғрисида, душман хароб қилган халқ хўжалигининг тикланиши тўғрисида, тинч қурилиш йўлига ўтиш ҳақида ҳикоя қилади.

Китоб кўп нусхада чоп этилди.

(ЎзТАГ).



БЎКА районидаги Ҳамза номли колхоз звено бошлиғи, тажрибали механизатор Нусрат Сангинов янгиларга ишлов беришда ҳамкасбларига намуна бўлаётир. У аъзо бўлган 2-бригада коллективи бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун курашмоқда. Н. Сангинов эса ҳосилнинг асосий қисмини ўз зангори кемаси билан териб бермоқчи.

И. Тўлисбоев фотоси.

ОЛИЙ МЕҲМОН ШАРАФИГА

БОНН, 5 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Германия Федератив Республикасининг президенти В. Шеель кеча кечқурун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев шарафига зиёфат берди.

Августусбург қасрида ўтган зиёфатда федерал канцлер Г. Шмидт, федерал канцлернинг ўринбосари, ташқи ишлар министри Г. Д. Геншер, федерал ҳукуматнинг бошқа аъзолари, Бундестаг депутатлари, сиёсий партияларнинг таниқли арбоблари, бир қанча ўлкаларнинг бош министрлари, Бонн обер-бургомистри, таниқли касаба союз арбоблари ва «ГФР—СССР» жамиятининг вакиллари бор эди.

Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР министрлари Н. С. Патоличев, Б. П. Бугаев ва Л. И. Брежневга ҳамроҳ бўлган бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

В. Шеель шу ерда ҳозир бўлган кишиларга қарата нутқ сўзлади.

В. ШЕЕЛЬ нутқи

Раис жаноблари, Бош секретарь жаноблари, ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Раис жаноблари, Сизни ва Сизнинг ҳамроҳларингизни Германия Федератив Республикасида самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Мен Сизни Бонида бир неча бор табриклаш билан мамнун бўлган эдим. Аммо бу — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи давлат бошлиғининг мамлакатимизга қилган биринчи визитидир. Мен бу воқеа тарихий аҳамиятга молик деб ҳисоблайман. Бунинг боиси шуки, тарихимизнинг нурафшон, кунларида ҳам, оғир кунларида ҳам улуғ мамлакатимиз билан муносабатларимиз ҳамиша ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб келди.

Ҳар икки давлатимиз 1970 йилда Москвада тузилган шартномада Европада ва бутун жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни яхшилаш ва кенгайтириш ниятида эканлигини тасдиқлади. Биз шу йўлдан бордик. Москва шартномаси мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг негизи бўлиб қолди. Немис бундестагида вакиллари бўлган барча сиёсий партиялар бу шартномани қўллаб-қувватламоқдалар. Ватандошларимиз гоят кўпчилиги бу шартномани Европада ва бутун жаҳонда халқларнинг самарали ва тинч-тотув яшашига қаратилган сиёсатимизнинг оқилона асосий элементи, деб ҳисоблайди.

Мен бундан икки ярим йил муқаддам Сизнинг Москвангизда ва Ўзбекистонда Совет Иттифоқининг меҳмондўстлигини ҳис этган эдим.

Мен ўша пайтда иккинчи жаҳон уруши халқларимизни дучор қилган барча бахтсизликлардан кейин шу учрашувнинг аҳамиятини зўр иштиёқ билан пайқаб олдим. Мен ана шу визит вақтида халқларимизнинг бир-бирига бўлган кўп асрлик хайрихоҳлиги ҳануз мавжуд эканлигини англаб олдим.

Кремлда бўлган пайтимдан буён икки ярим йил ўтди. Бу — герман — рус учрашувларининг кўп асрлик тарихига нисбатан унча катта давр эмас. Лекин шунга қарамай, биз бу даврда ташвишли жаҳоншумул сиёсий аҳамиятга молик бўлган проблемаларни яхши англаб олдик.

— Вайронгарчилик нинг тўхтовсиз ўсиб бораётган жуда катта потенциали бутун инсониятга таҳдид қилаётганлигини;

— бадавлат ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги тафовут тинчлик ишини хавф остида қолдираётганлигини;

— замонавий технологиянинг салбий оқибатлари ҳаётнинг ўзига хавф тугдираётганлигини англаб олдик.

Биз ана шу хатарли ҳодисаларга ҳамкорликнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегияси ёрдами билангина барҳам бера оламиз. Шарқ ва Ғарбдаги гоят ривожланган ва инсоният учун катта масъулиятни ўз зиммасига олган мамлакатлар ўзларининг барча техникавий ҳамда илмий имкониятларини сафарбар қилишлари ва бир-бирларидан ўрганишга шай бўлиб туришлари керак. Биз ана шу йўл билангина инсониятнинг муносиб истиқболга эга бўлишини таъминлай олишимизга аминман.

Ҳозирги вақтда Сизнинг мамлакатингизда ва бизнинг мамлакатимизда яшовчи гражданларнинг кўпчилиги иккинчи жаҳон уруши ҳалокатларидан кейин туғилган. Бу авлоднинг ҳаётий тажрибаси уруш билан эмас, балки турли даражадаги иқтисодий, техникавий ва социал ўзгаришлар билан белгиланди. Бу авлод учун ўтган замон самара бермайдиган машаққат бўлмай, келажакда кўпроқ умид бахш этувчи йўлларни қидириб топишга огоҳлантирувчи чақириқ бўлиб хизмат қилиши керак.

Мен шу кечки пайтда мамлакатимдаги ана шу ёшлар тўғрисида гапиришни ва айни вақтда, ранс жаноблари, Сиз орқали мамлакатингиздаги ёш авлодга мурожаат қилишни истайман. Немис ёшлари ҳозирги кунда ўз ота-боболарига нисбатан бошқачароқ истиқбол билан меҳнат ҳаётига қадам қўймоқда. У ўз мамлакатининг сиёсий ҳаётида актив қатнашиш учун барча ҳуқуқ ва имкониятларга эгадир. У тинчлик ўзи учун ва ўзининг барча замондошлари учун қандай аҳамиятга молик эканлигини билади. Ёш авлоднинг сиёсий садоси ва гражданлик онги бартараф қилинган ўтмишнинг метод ва мақсадлари мамлакатимизда яна устун мавқени эгаллай олади, деб барча гумонсираш ва хавфсирашларни рад этади. Мен комил ишонч билан шу авлодни ёқлаб чиқмоқдаман. Бу авлод жаҳонни ва атроф-теваракдаги воқеликни очиқ ва зийраклик билан ҳис этмоқда. Бу авлод таниқид қилса ҳам, ички тартибимизнинг асосий демократик принципларини қабул қилиб олган. Бошқа халқларнинг муҳтожлик кишиларидан халос бўлишига ёрдам берганимиздаги мамлакатимиз муносиб равишда фарогатли бўлади, деб ҳисоблай олишимизни бу авлод тобора аниқ-равшан англамоқда. Бу авлод аввало, келажакдаги буюк вазифалар тинч шароитдагина ҳал этилиши мумкин эканлигини билади.

Бундай қарашлар бошқа халқларга нисбатан ғаламис бўлиш ва нафрат кўзи билан қаришга ўрин қолдирмайди. Иккинчи жаҳон урушининг сермашаққат тажрибасини кўрганингиздан кейин шу хилдаги ўзгаришларни тўлиқ англаб олишингиз ва уларга ишонишингиз қийин бўлса керак. Аммо мен шуни айтишни истайманки, муносабатларимизнинг характери ва келажакни таъминлаш жуда ҳам муҳимдир, биз бутун воситаларни ишга солиб, ёшларимизни бошқалар тўғрисида ҳақиқатга яқин баҳо беришдан кўра, сохта уйдирмалар билан тасаввур олиш тенденциясидан халос қилишимиз лозим.

Мамлакатлардан бирортасининг ҳам ёш авлоди халтони тақрорлашни ва «душман портретлари» деб аталмиш нарсага таяниб иш кўришни истамайди. Бизнинг авлодимиз ўз замонасининг вазифаларини уддалай олиши учун бошқа халқларнинг ўзига хос хислатларини ҳурмат қилиши ва муштарак манфаатларни аниқлаб олишни ўрганиши керак. Реализм ва ҳушёрлик наф келтиради, ғаламислик ва нафрат кўзи билан қараш ҳамма учун хатарлидир.

Тинчликни сақлаш — барча замонлар ва кишиларнинг асосий маънавий бурчидир. Айни вақтда ҳозирги индустриал давлатларнинг тинчликдан ҳаётий манфаатдор бўлиши сиёсатимизнинг мустаҳкам негизи бўлиб хизмат қилади.

Раис жаноблари, Москва шартномаси, биз шундан кейинги даврда шарқий Европадаги давлатлар билан ва ГДР билан тузган шартномаларимиз, Берлин ҳусусидаги тўрт томонлама битим ва Хельсинкида имзоланган Якунловчи акт ҳам ҳозирги пайтда Европада тинчликнинг пойдеворидир.

Сўнгра В. Шеель ГФР билан ГДР ўртасидаги муносабатлар масаласи юзасидан ГФРдаги муайян доираларнинг маълум концепциясини баён қилди.

Берлиннинг мавқеи, деб таъкидлади президент, катта аҳамиятга эгадир. Германия Федератив Республикаси ҳар икки томоннинг тўрт томонлама битимга қаттиқ риоя қилиш ва уни тўла-тўкис амалга оширишдан келиб чиқадиган сиёсати ҳамкорлигимизнинг турли соҳаларидаги говларни йўқотишга олиб боради ва умуман муносабатларимизни ривожлантиришга ёрдам беради, деб умид қилади ва шуни кўзда тутади. Биз аввало ишонч ҳосил қилишимиз керак. Энг яхши ният билан қилинаётган ишларнинг кўпи ишонч йўқлиги орқасида нотўғри талқин этилади.

Шундан кейин В. Шеель немис миллати ойласини қайтадан бирлаштириш масаласи юзасидан ўз фикрини айтди.

Германия Федератив Республикаси билан Совет Иттифоқининг сиёсий ва иқтисодий тузуми, деб сўзини давом эттирди у, турличадир. Биз бу ҳусусда индамай ўтолмаймиз ва индамай ўтишни истамаймиз. Аммо давлатларимизда яшовчи кишиларнинг бир-бирларини яхши билишлари, ҳар икки мамлакатимиздаги жамият, экономика ва сиёсат тўғрисида мустақил фикр баён қила олишлари муҳимдир.

Уруш вақтида ва урушдан кейинги даврда авлодимизнинг сиёсий қиёфаси белгиланди. Раис жаноблари, бизнинг авлодимиз кейинги йилларда бажаришимиз лозим бўлган ишларни қилди: биз кўп жафо келтирган ўтмишнинг машаққатларини тугатишга ҳаракат қилдик. Аммо биз гражданларимизнинг умидларини оқлашни истаймиз, бу билан чекланиб қолмаслигимиз лозим. Ёшлар жуда ҳам бетоқат бўладилар. Биз пойдеворни қуриб берганимиздан кейин улар Европада Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ҳамкорлик бинои қад кўтариб боришини истайдилар. Мақсадлар ҳаммага равшан: миқёслар ўтмишдагига нисбатан бошқача бўлиши керак. Улар ўз мамлакатларимизнинг чегараларидан ҳам ташқарадаги кенг доираларни қамраб оладиган масъулиятга асосланиши лозим.

Раис жаноблари, биз бу йил Лев Толстой туғилган куннинг 150 йиллигини нишонлаймиз. Мен унинг ижоди халқларимизга жуда катта маънавий бойлик келтирганидан ҳам кўра бошқа яхшироқ мисолни билмайман. Унинг ижоди немисларнинг кўпдан-кўп авлодларини астойдил тўлқинлантирди ва бутун бир даврнинг социал онги ва виждонини ўзгартириб юборди. Тинчлик, социал адолат ва кишилар ўртасидаги қардошлик учун курашчи ана шу улуғ зотнинг садосини масъулият эстафетасини қўлимиздан қабул қилиб олувчи кишилар ҳам эшитадилар. Рус ва немис ёзувчиларининг улуғ ғоялари халқларимиз орасида яшаётганлиги бизни қувонтиради.

Мен Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раисининг соғлиги учун, Германия Федератив Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш учун, Европада ва бутун жаҳонда тинчлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Мухтарам федерал президент жаноблари!

Мухтарам федерал канцлер жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўртоқлар!

Германия Федератив Республикасига келишга таклиф қилганликлари, бу ерда бизни шодиёна кутиб олаётганликлари учун мезбонларимизга, жаноб президент, айтган самимий сўзларингиз учун сизга астойдил миннатдорчилик билдиришни истардим.

Мамлакатингизнинг давлат арбоблари, сиёсий арбоблари, парламент аъзолари ва савдо-саноат кишилари билан яна бир карра учрашиш кишини хушнуд қилади. Бундан саккиз йил аввал мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничилик сари кескин буриб юборишдек осон бўлмаган ишни ўз зиммаларига олган кишилар билан яна учрашиш айниқса қувончлидир.

Бу ерда жаноб Шеель эслатиб ўтган Москва шартномаси дарҳақиқат жуда катта воқеа бўлганди. Ўша шартнома Совет Иттифоқи билан ГФР халқини, шунингдек Европадаги ҳамма халқларни ҳозирги тинч аҳвол сақланиб қолишига ва тинч келажакка эришиш мумкинлигига ишончларини кучайтириб юборди.

Ўтган йиллардаги икки томонлама ҳамкорлигимизнинг якуни салмоқли, сезиларли бўлди. Ривожланган сиёсий алоқаларда, кенг ва тобора зўрайиб бораётган иқтисодий алоқаларда, кишилар ўртасида ўсиб бораётган алоқаларда мана шу ҳамкорлик самараларини кўрамиз.

Мен бу билан қўлни қовуштириб олиб, қилинган ишлардан завқланиб ўлтириш дамлари келди, демоқчи эмасман. Тарих ўз вақтида бизга муаммолар меросини тайёрлашга хасислик қилмади. Кейинчалик «совуқ уруш» сиёсати бундай муаммоларни кўпайтирди ва чуқурлаштириб юборди, аммо бахтимизга улар асосан орқада қолиб кетди.

Лекин ҳозирда ҳам ташвишлар етарли. Эндиликда ҳам проблемалар пайдо бўлиб турибди. Эҳтимол, бу проблемалар бошқача хусусиятга эгадир, лекин пайдо бўлиб турибди. Шуларнинг ҳар бири учун ҳам тайёр восита битимларда айтилган тайёр модда топилавермайди. Аммо ҳаммаси олға бормоқ керак. Ўтмиш хотираси, бўладиган ишларнинг масъулияти бизни шунга мажбур қилади. Бўлиб ўтган ёҳуд энди бўладиган учрашувларимизга мен айни мана шу томондан қарайман. Ўйлайманки, шерикларимиз ҳам мана шундай кайфиятда бўлсалар керак.

Одамзод деярли ҳамма нарсага кўникиб кетаверади, дейишади. Урушда хавф-хатарга, яхши замонларда — тинчлик-фаровонликка, ҳали хаста эмас экан, ҳаттоки соғломликка ҳам кўникади. Европада тинчлик ҳукм сураётганига 30 йилдан ошиб кетди. Илгари ҳеч қачон бундай бўлмаганди. Шундай қилиб, кишилар тинчликка ҳам, худди шундай бўлиши керакдек кўникa бошладилар, кўпгина синовлардан ўтиб келган бўлса-да, кескинлик юмшашига ҳам кўника бошладилар.

Тинчликнинг кундалик ҳолат бўлиб қолаётганлиги ўз куч-қувватларини аямай кескинликнинг юмшатилишига интилаётган кишиларнинг ҳаммасига энг яхши мукофотдир. Бу эса айни вақтда огоҳлантириб ҳам туради. Хотиржамликка берилиб, воқеаларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ғоят хатарли бўлур эди. Мен тинчлик учун курашмоқ керак, кескинликни юмшатишни изчил равишда чуқурлаштириб бориб, уни муқаррар бир жараёнга айлантириш керак, деган гапни айтганман ва қатъий ишонч билан яна бир карра такрорлайман. Бу масалада на четдан туриб кузатувчилар, на унга қарам кишилар бўлмаслиги керак. У ҳаммага баббаравар тааллуқлидир.

Тинчлик ҳамма давлатлар сиёсатининг асосий йўналиши ва мезонига айланган, қўшнидан кўрқиш эмас, балки бир-бири билан ҳалол ҳамкорлик қилишга, бирон томоннинг хавфсизлигига зарар етказмай аҳдлашувга онгли интилиш вужудга келаётган проблемаларга ҳукуматларнинг ёндошувини белгилаб берган тақдирдагина тинчлик ҳақиқатан ҳам мустаҳкам бўлади. Кўришишдан яхши маслаҳат чиқмайди, шубҳа билан қараш тинчликка хизмат қилолмайди.

Бошқа ғарб мамлакатларидаги сингари ГФРда ҳам миллион-миллион кишилар, шу жумладан, кўпгина таниқли давлат арбоблари ва сиёсий арбоблар Совет Иттифоқи ҳамда социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан мустаҳкам тинчлик ва яхши ҳамкорлик қилишни астойдил истаганликларини яхши биламиз.

Лекин биз умуман Ғарбда, қўйингчи сизнинг мамлакатингизда ҳам кескинликнинг юмшатилишини мақбул кўрмайдиган кишилар борлигини ҳам биламиз. Шуларнинг баъзилари ўз давлатларининг сиёсатда Совет Иттифоқи ва бошқа Социалистик мамлакатлардан хавфсираш ва уларга нисбатан адоват, ҳатто бу нарса янги уруш чиқиш хавфини кучайтираётган тақдирда ҳам, доимо бўлиб турмоғи керак, деб ҳисоблайдилар. Бошқалари эса, Совет Иттифоқига ёт ёвуз ниятларни унга тўнковчи кишиларнинг сўзларига ишониб, янглишаётган бўлишлари мумкин.

Энг хавфли, ботқоқликбидьат ботқоқлигидир. Энг қийин гов — ишончсизлик говидир. Мана шуларни енгиб ўтсак, инсоният ўтмишда ҳеч қачон бўлмаган мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун мисли кўрилмаган куч-қувват ва воситаларга эга бўлади.

Ишончсизлик ҳозирги халқаро учётнинг кишиларни ёппасига қирадиган воситалар ишлаб чиқариш пойгаси сингари мудҳиш ҳолни руҳлантиради. Аслини олганда бундай пойга бемаъниликдир. Бундай пойгада ютиб чиқиш мумкин эмас. Лекин инсониятни ҳалок этиш осон. Бинобарин, бунга чек қўйиш пайти келди.

Шундай экан, келинг, бунга чек қўяйлик. Шундай қилайликки, қурол-яроғлар бошқа кўпайтирилмасин. Жаҳон миқёсида, жумладан, Марказий Европада ҳам қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш борасида реал қадамлар қўяйлик. Янги оммавий қирғин қуролларининг янги системаларини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни авж олдиришдан воз кечиш тўғрисида аҳдлашиб олайлик. Ўзаро аҳдлашув тақозоси йўли билан нейтрон қурол пайдо бўлишига барҳам берайлик. Уни қитъамизнинг халқларига данайликларнинг мудҳиш ҳадяси сифатида тақдим этмоқчилар.

Совет Иттифоқи катта ҳарбий потенциалга эга бўлган давлатларнинг қурол-яроғлари ва қуролли кучлари миқдор ва сифат жиҳатидан янада оширилишини батамом тўхтатиш тўғрисида яқиндагина комплекс таклифларни ўртага қўйди. Биз ҳозирги вақтда хоҳ ядровий, хоҳ одатдаги қуролланиш пойгасининг ҳамма йўлларини тўхтатишдан кўра етилган ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа йўқлигига ишонамиз. Биз мана шу вазифани ҳал этишда ҳамма давлатларни, тинчликни истайдиган ва яхши ниятдаги ҳамма кишиларни шу жумладан, албатта, Германия Федератив Республикасидаги муҳтарам шерикларимиз ва дўстларимизни ҳам ҳамкорлик қилишга чақирамиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Бонда ўтказган дастлабки суҳбатларимиздан шу нарса кўриниб турибдики, иккала мамлакат раҳбарларининг учрашувлари халқларимизга, тинчликни мустаҳкамлаш ишига яхши хизмат қилади, биргалашиб куч-ғайрат сарфлаш учун қўшимча доиралар очиб беради, янги, ҳали фойдаланилмаган резервлар ва имкониятларни ишга солади, деб умид қилса бўлади, дейиш мумкин.

Бизнинг мамлакатимиз бепоён. У икки қитъада жойлашган. Унда неча ўнлаб миллат ва элатлар яшайди. У ягона аҳил оиладир. Унинг истеъдодли ва оқ кўнгил кишилари ғоятда кўп тинчликсевар ва меҳнаткаш халқдир. У бировнинг нарсасига кўз олайтирмайдиган халқ, олижаноб халқ. У ҳамма халқлар билан, шу жумладан, сизнинг халқингиз билан ҳам тинч ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга тайёр.

Шу баҳор ва Май айёмида мамлакатингиз гражданларига фаровонлик ва равнақ тилашимга руҳсат бергайсиз!

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик руҳи учун қадаҳ кўтаришга рухсат бергайсиз!

Федерал президент билан Шеель хонимнинг сиҳат-саломатликлари учун!

Федерал канцлер билан Шмидт хонимнинг сиҳат-саломатликлари учун!

Шу ерда ҳозир бўлганларнинг сиҳат-саломатликлари учун!

* * *

В. Шеель ва Л. И. Брежневнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

Л. И. БРЕЖНЕВ В. ШЕЕЛЬ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

БОНН, 4 май. (ТАСС). Бугун ГФР президентининг саройи Хаммершмидтда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев федерал президент В. Шеель билан суҳбатлашди.

СССР билан ГФР ўртасидаги давлатлараро муносабатларга доир проблемалар юзасидан, ҳар иккала давлатни қизиқтирувчи халқаро сиёсат масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Л. И. Брежнев ва В. Шеель СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолатига ва унинг ривожланиш истиқболларига, шу жумладан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ривожланиш истиқболларига юксак баҳо бердилар. Улар бу муносабатларнинг ривожланиши Европада сиёсий муҳитни нормаллаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деган фикрни якдиллик билан билдирдилар. Ҳар икки томон шу ижобий жараённи янада ривожлантириш учун кўмаклашишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ГФР федерал канцлери Гельмут Шмидт билан суҳбатлари давом эттирилди.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи халқаро сиёсат масалалари, аввало, Умумевропа хавфсизлигига ва қуролланишга, Европада кескинликни юмшатишга тааллуқли масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Сиёсий соҳада кескинликнинг юмшатилишини ҳарбий соҳада кескинликни юмшатиш билан мустаҳкамлаш вазифаларининг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳар икки томон таъкидлаб ўтганидек, бу эса кескинликни юмшатиш учун энг оқилона йўлдир. Совет Иттифоқи билан ГФРнинг кескинликни юмшатиш ва тинчлик сингари замонамизнинг ана шундай асосий масалаларга тутган позициялари ўзаро мосдир.

Ялпи тинчлик ва хавфсизлик иши учун Хельсинки ахдномаларига риоя қилиш зарурлигининг катта аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилди.

Суҳбат чоғида СССР билан ГФР ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан, кескинликни юмшатишни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан, Европа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янги формалар билан бойитишдан ўзаро манфаатдорлик изҳор этилди.

Суҳбат ошкоралик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин иштирок этдилар.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ Г. ШМИДТ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

БОНН, 4 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун ГФРнинг федерал канцлери Г. Шмидт билан саҳбатлашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва федерал канцлер ўринбосари, ГФР ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер қатнашди.

СССР билан ГФР ўртасидаги икки томонлама муносабатларга доир бир қанча муҳим масалалар батафсил муҳокама қилинди. Шу билан бирга ҳар икки томон, гарчи СССР билан ГФР ўртасида ҳозирча ҳал этилмаган проблемалар мавжуд бўлсада, улар ўртасидаги ҳамкорлик яхши истиқболга эга эканлигини таъкидладилар. Москва шартномаси ва тузилган бошқа шартномалар асосида бу муносабатларнинг кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади, Европада тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Келгуси ўн йиллар давомида ҳар иккала мамлакат ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришнинг сиёсий программасини эълон қилиш, XXI асрнинг бошигача ҳар икки томон учун фойдали иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ истиқболларини белгилаш ҳозирги вақтда СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг ривожида реал вазифа бўлиб қолди.

Суҳбат иштирокчилари бу вазифаларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини ва томонларнинг бирлашда куч-ғайрат сарфлаши билан уларни ҳал этиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Суҳбат ижобий руҳда ўтди. Фикрлашиб олиш давом эттирилади.

Суҳбатда: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин; ГФР томонидан — ГФРнинг СССРдаги элчиси Г.-Г. Вик, федерал канцлер маҳкамасининг бўлим мудири Ю. Руфус иштирок этдилар.

* * *

5 май куни Гимних резиденциясида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ГФР федерал канцлери Гельмут Шмидт билан суҳбатлари давом эттирилди.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи халқаро сиёсат масалалари, аввало, Умумевропа хавфсизлигига ва қуролланишга, Европада кескинликни юмшатишга тааллуқли масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Сиёсий соҳада кескинликнинг юмшатилишини ҳарбий соҳада кескинликни юмшатиш билан мустаҳкамлаш вазифаларининг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳар икки томон таъкидлаб ўтганидек, бу эса кескинликни юмшатиш учун энг оқилона йўлдир. Совет Иттифоқи билан ГФРнинг кескинликни юмшатиш ва тинчлик сингари замонамизнинг ана шундай асосий масалаларга тутган позициялари ўзаро мосдир.

Ялпи тинчлик ва хавфсизлик иши учун Хельсинки ахдномаларига риоя қилиш зарурлигининг катта аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилди.

Суҳбат чоғида СССР билан ГФР ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан, кескинликни юмшатишни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан, Европа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янги формалар билан бойитишдан ўзаро манфаатдорлик изҳор этилди.

Суҳбат ошкоралик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин иштирок этдилар.

(ТАСС).

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

ТРИР, 4 май. (ТАСС). Бугун, Карл Маркс туғилган кунининг 160 йиллиги арафасида илмий коммунизм асосчисининг уй-музейи олдига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев номидан гуллар қўйилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов ва граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев гуллар қўйишди.

* * *

БОНН, 5 май. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Бонн марказидаги Хофгартен зиёбонида уруш ва зўравонлик қурбонлари хотирасига ўрнатилган ҳайкалга кеча гулчамбар қўйди.

Қизил лентага рус ва немис тилларида қуйидаги гаплар ёзилган: «Милитаризм ва нацизм қурбонларига. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев».

МАТБУОТ КУНИ ШАРАФИГА

5 май куни Тошкентдаги А. Навоий номли театрда Совет матбуоти кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори Ш. Ниёзов доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ область партия комитети ноқулай об-ҳаво шароити туфайли ғўза парваришн соҳасида юз берган қийинчиликларни тугатиш ва парваришни кучайтириш юзасидан область пахтакорлар Совети тавсияларини маъқуллади.

Район партия комитетларига, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси, ўсимликларни ҳимоя қилиш область станцияси ва уларнинг жойлардаги органларига, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари, раҳбарлари ва мутахассисларининг зиммасига область пахтакорлар Совети тавсияларини район пахтакорлар Совети йиғилишларида, ҳар бир колхоз ва совхозда, пахтачилик бригадалари коллективларида кенг муҳокама қилинишини таъминлаш ва ана шу асосида ғўзанинг ривожини тезлаштириш, парваришни кучайтириш, мўл ва эрта ҳосил етиштиришга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқишни топширди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари, область телевидениеси ва радиоэшиттириш бош редакцияларига пахтакорлар область Совети тавсияларини эълон қилиш, мўл пахта ҳосилни етиштириш, майдонларда белгиланган миқдордаги кўчат қалинлигини таъминлаш, ғўза парваришини кучайтириш, эртаки ва юқори ҳосил етиштириш соҳасида илғор бригадалар, колхозлар ва совхозларнинг тажрибаларини кенг ёритиб боришни топширди.

(Область пахтакорлар Советининг тавсиялари 2-бетда босилган).

ПАХТАКОРЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

НОҚУЛАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИ ТУФАЙЛИ ҒЎЗА ПАРВАРИШИ СОҲАСИДА ЮЗ БЕРГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ТУГАТИШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ

ТАВСИЯЛАРИ

Иш сифати ва самарадорлигини ошириш, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилган, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети декабрь — (1977 йил) пленумида сўзлаган нутқи ҳамда унинг Узоқ Шарқ ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарлари кенгашида сўзлаган нутқидаги вазифаларни бажара бориб, областимиз колхоз ва совхозлари чигит экишни ўз вақтида тугалладилар. Катта майдонларда чигит бир текис ундириб олинди. Ҳамма ерда ғўза парваришн кучайтириб юборилди.

Лекин, шу билан бирга кўкламнинг ниҳоятда серёғин келиши айрим хўжаликларда чигитни бир текис ундириб олиш ва тўла гектарлар ҳосил қилишни анча мушкуллаштириб қўйди. Бўлиб ўтган ёмғир, жала, айрим жойларда эса дўл туфайли ҳарорат пасайиб кетди, қатқалоқ пайдо бўлди. Бу ғўзанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Партия ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, механизаторлар, барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бундай аҳволда ноқулай об-ҳаво шароитлари оқибатини бартараф этиш учун юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатишлари, мавжуд ишчи кучлари, культиваторлар ва тупроқни ишлайдиган мосламалар ва бошқа механизмларни тўла ишга солишлари, шу йўл билан барча майдонларда қатқалоққа қарши кураш ишларини кучайтириб, гектарларда кўчатларнинг тўла бўлишини таъмин этишлари талаб этилади. Ғўза парвариши бўйича биринчи комплекс ишлов даврида яганалашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳамма ерда ғўза парваришини кучайтириб, унинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш, мўл ва эрта ҳосил етиштириш учун замин яратиш ҳозирги кундаги асосий вазифадир.

Ана шу мақсадда область пахтакорлар совети қуйидаги агротехник тадбирларни амалга оширишни тавсия этади:

— икки-уч кун ичида ҳамма ерда қатқалоқни тугатиш, қатор ораларида тупроқни юмшоқ ҳолда бегона ўтлардан тоза бўлишини таъминлаш ва шу асосда ғўзанинг илдиз системаси ривожланиши учун қулай шароит яратиш лозим. Бунинг учун мавжуд культиваторларни тўла ишга тушириш, уларни РОР ва ККОлар билан таъминлаш, меҳнатга қобилиятли барча аҳолини ёппасига қатқалоқни юмшатиш ва чопиқ ишларига жалб этиш лозим. Иш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида культивация вақтида ўсимликнинг ҳимоя зонасини 7—8 сантиметрга етказиш лозим. Культиваторларнинг ишчи органлари белгиланган чуқурликда бўлишини кўзлаб тўғри созлаш: қатор четларини 6—8 сантиметр, қатор ўрталарини 10—12 сантиметр чуқурликда юмшатилишини кўзлаб иш юритиш лозим. Бунинг учун РОР ротацион юлдузчаларни қаторларнинг этаги томон ўрнатилади. Қатор ўрталарига эса культиваторнинг ғоз панжалари ва тупроқни юмшатувчи органлари ўрнатилади.

РОРнинг ротацион ишчи органларини 3—4 сантиметр чуқурликда, ККОнинг ишчи органларини эса 6—8 сантиметр чуқурликка ўрнатилади. Ғоз панжалари эса қатор ўрталарига 10—12 сантиметр чуқурликка ўрнатилади. Биринчи культивация вақтида ғўза илдиз системасининг зарарланишига йўл қўймаслик, албатта гектарларда белгиланган қалинликдаги кўчатларнинг сақлаб қолинишини таъминлаш лозим.

Айрим районларда ёғингарчилик ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги туфайли қатқалоқ кутилганидан ҳам кучли бўлди. Шунинг учун ҳам бундай майдонларда қатқалоқни культивация ҳамда қўл кучи билан бутунлай тугатишнинг иложи бўлмаётир. Буни ҳисобга олиб, тупроқ шароитига қараб, карталарга енгилгина сув тараш мақсадга мувофиқдир. Агар чигит 90 сантиметр схемасида кенг қаторлаб экилган бўлса, эгатлар бўйлаб, агар 60 сантиметр схемасида экилган бўлса, қатор оралатиб суғориш зарур. Бунда асосий эътиборни эгатларни заҳлатиб юбормасликка ва карта четларига сув бостирмасликка қаратиш лозим бўлади. Кенг қаторлаб экилган майдонларда ўқариқ оралиғи 150—250 метр, 60 сантиметрли схемада экилган майдонларда 100—150 метр бўлиши керак;

Мутахассислар ва тажрибали пахтакорлардан тузилган сифат комиссия аъзолари ҳар бир колхоз, совхоз ва бригадада 2—3 кун ичида ғўзанинг аҳволини текшириб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг тури ва ҳажмини аниқлаб беришлари зарур. Бунда асосий эътибор хато уяларга уруғ ташлаш ҳамда бошқа ишларни бажаришга мутасадди бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг вазифаларини конкрет белгилаб беришлари лозим;

Маълумки ёғингарчилик кўп бўлганлиги сабабли чигит экиш даврида солинган ўғитлар тупроқнинг остки қисмига сўрилиб кетиб, уларнинг нафи қолмади. Шу муносабат билан ҳамма ерда культивация қилиш даврида гектар ҳисобига 40—50 килограмм миқдорида азотли ўғитлар бериш керак бўлади. Бу ишни кечи билан 15 майгача тугаллаш лозим;

Ғўзанинг нормал ўсиши ва дуркун ривожланиши ҳамда мўл ҳосил тўплашида яганани сифатли ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Яганани ғўза 1—2 чинбарг чиқаргандан сўнг бошлаш ва 15 майдан кечиктирмай тугаллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ягана кечиктирилса, ҳосилга салбий таъсир кўрсатади. Гектар ҳисобига қолдириладиган кўчат сони ҳар бир участканинг тупроқ шароити, унинг унумдорлиги, экиш сехмаси ва пахтанинг сортига қараб белгиланади.

Ягана қилиш пайтида ҳар бир эгатдаги ғўзаларнинг бир текисда бўлиши ва уяларга ягона ғўза қолдирилишига жиддий эътибор бериш лозим. Яганага сафарбар этилган ҳар бир колхозчи ёки совхоз ишчиси ўлчов линейкаларига эга бўлиши шартдир. Бу гектарларда ғўзанинг зарур қалинликда бўлиши ва уяларда белгиланган миқдорда кўчат бўлишини таъминлайди.

Ягана тугаллангандан сўнг ҳар бир карта сифат комиссияси томонидан акт орқали қабул қилиб олиниши ва бригада бошлиқлари, механизаторлар ҳамда сувчиларга расмийлаштирилиб топширилиши лозим.

Бу йилги об-ҳаво шароитида қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг янада кўпайиши табиийдир. Ҳозир айниқса, илдизчириш, трипс ва кўсак қуртининг кўпайиши хавфи туғилаётир. Ана шундай зараркунандаларнинг пайдо бўлаётганлигини ўз вақтида аниқлаш учун ҳар бир бригадада мавсумий кузатувчиларни тайинлаш ва уларни ўқитиш кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Ғўзага кимёвий ишлов беришни фақат кузатувчиларнинг тавсияси билан амалга ошириш лозим.

Тут баргларини химикатлар билан заҳарлашнинг олдини олиш мақсадида аввало, бу ишни тут дарахтлари йўқ майдонлардан бошлаш керак бўлади.

Ҳозирги кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, униб чиққан ниҳоллар илдизчириш касаллигига чалинаётир. Демак, бу майдонларда жуда эҳтиётлик билан гектарига 1,5 килограмм БИ—58 ёки 0,8—1 килограмм сульфатли анабизин химикатини ОВХ—14 ёки ихтисослаштирилган ПГС—2,4 агрегатлари ёрдамида сепиш лозим.

Асосий эътибор ўсимлик суст ривожланаётган карталарга қаратилиши зарур. Маълумки, бундай майдонларда кўсак қурти ва бошқа кемирувчи зараркунандалар кўпроқ ривожланади. Шунинг учун кўсак қурти тухумлай бошлаган даврида бундай майдонларга ҳар беш кун давомида гектар ҳисобига 2 минг ҳисобидан биолабораторияларда кўпайтирилган трихограмма ҳашоратларини зудлик билан тарқатиш зарур.

Область пахтакорлари 1978 йилда ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга камида 430 минг тонна «оқ олтин» сотишлари лозим. Шунинг учун ҳамма ерда давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажариш юзасидан социалистик мусобақа кенг авж олдирилган.

Юксак мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар бир пахтакорнинг юксак уюшқоқлик билан фидокорона меҳнат қилишини, кўп йиллардан бери тўпланган тажриба ва билимлардан оқилона фойдаланишни талаб қилади.

Область пахтакорлар совети барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ғўзага ишлов бериш соҳасидаги ҳамма агротехник тадбирлар комплексини ўз вақтида ва сифатли ўтказишга чақиради. Токи, ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида эрта ва мўл ҳосил етиштирайлик, қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятимизни сўзсиз бажаришга эришайлик.

Ушбу тавсиялар область пахтакорлар Советининг 1978 йил 4 майдаги йиғилишида кўриб чиқилган.

В. И. ЛЕНИН БАРЕЛЬЕФИ

БОЙСУН, 5 май. (ЎзТАГ). «Сайроб» совхозининг марказий қўрасида бугун В. И. Ленин барельефи очилди. Бойсун ва унга қўшни бўлган Шеробод ҳамда Ленин йўли районлари меҳнаткашлари намояндаларининг ана шу воқеага бағишланган кўп кишилик митинги бўлди.

Митинг иштирокчилари ўз нутқларида совет кишилари Улуғ Ленин васиятларига чексиз содиқ эканликлари тўғрисида гапирдилар. Улар партия билан ҳукуматнинг сиёсатини қизғин маъқуллаётганликларини изҳор этиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари чоғида айтган таклифлари ва маслаҳатларини меҳнат коллективлари қандай амалга ошираётганлиги тўғрисида гапириб бердилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов митингда нутқ сўзлади.

Ш. Р. Рашидов лентани кесгач, В. И. Лениннинг баландликка ўрнатилган улкан барельефи ҳамманинг кўз ўнгида намоён бўлади.

Барельеф пойига гуллар қўйилди.

ФУЧИК БИЗ БИЛАН

ЯҚИНДАгина прогрессив жамоатчилик оташин курашчи ва антифашист, Чехословакия халқининг миллий қаҳрамони Юлиус Фучик туғилган куннинг 75 йиллигини тантанали нишонлаган эди. Куни кеча шаҳримиздаги СССР халқлар дўстлиги музейида ажойиб публицист, Совет Иттифоқининг, шу жумладан Совет Ўзбекистонининг энг яқин дўсти коммунист Ю. Фучик ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма тантанали равишда очилди.

Маълумки, Юлиус Фучик чет эллик журналистлар орасида биринчи бўлиб ўз халқига бизнинг мамлакатимизда бўлаётган катта ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиб берган эди. У Ўзбекистонга ҳам бир неча бор келган, Чор Россиясининг қолоқ ўлкаси одамларининг кўз ўнгида бекиёс гуллаб-яшнай бошлаганлиги тўғрисида завқ-шавқ билан ёзганди.

Юлиус Фучикни дастлабки беш йилликларнинг улкан қурилиши бўлган Тошкент тўқимачилик комбинатида, кимёгарлар шаҳри Чирчиқда учратиш мумкин эди. Республикамизга қилган сафарларидан сўнг ўз газетаси саҳифаларида ана шу беш йилликлар қаҳрамонлари ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилди.

Чехословак журналистининг асарларини бизда севиб ўқийдилар, унинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар. Кўргазманинг очилиши ҳам Фучикка бўлган муҳаббатнинг бир далилидир. Стендлардаги фотосуратлар, газеталардан қирқиб олинган мақолалар ва бошқа ҳужжатлар Фучикнинг Ўзбекистон билан боғлиқ ҳаётини акс эттиради. Бу материалларни тўплашда ёзувчи ва журналистнинг Тошкентдаги уй музейи директори, унинг яқин дўсти А. И. Бочкаревнинг хизматлари катта бўлди. Кекса журналист Бочкарев Фучикнинг Ўзбекистон бўйлаб қилган сафарида ҳамроҳ бўлган, ҳозир эса унинг умр йўлдоши Густина Фучик билан доимий алоқа боғлаган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари З. Йўлдошев, Ўзбекистон ССР Журналистлар Союзи правлениесининг секретари, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори А. Исмоилов, чет мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Ўзбекистон жамияти президиуми раисининг ўринбосари С. Мирқосимов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Фучик ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма очилишида область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. М. Қўчқоров иштирок этдилар.

ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Чирчиқдаги химиклар маданият саройи фойесида ташкил этилган кўргазма беихтиёр кишиш эътиборини ўзига тортади. Стендларда намойиш этилаётган турли маҳсулотлар, буюмлар кишида катта қизиқиш уйғотади. Бу ердаги ҳамма нарса бўлажак ишчилар меҳнатининг самарасидир.

Бугун ана шу бўлажак ишчилар — ҳунар-техника билим юртлари аълочилари ўз слётларини ўтказиш учун маданият саройига тўпландилар. Область комсомол комитети секретари Л. Ф. Кочерга қисқача кириш сўзи билан слётни очди.

— Бу йилги слётимиз жуда ажойиб вақтда ўтмоқда, — деди ўз докладида область ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи А. Гусаев.— Яқингинада Ўзбекистон ССР янги Конституциясини қабул қилдик, куни кеча Бутуниттифоқ комсомолининг XVIII съезди ўз ишини тамомлади. Ҳозир барча комсомол-ёшлар ана шу муҳим воқеалардан руҳланиб, ВЛКСМ 60 йиллигига муносиб совғалар билан бориш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳунар-техника таълими ёш совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларда чуқур ватанпарварлик ва пролетар интернационализми ғояларини шакллантиришда алоҳида роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз бу соҳага доимо алоҳида аҳамият бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими системасидаги ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш жараёнини янада такомиллаштириш тўғрисида қабул қилган қарорида партия XXV съезди қарорларини ва СССР янги Конституциясининг моддаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳунар-техника таълимининг асосий вазифаси эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Сўнгги йилларда республикамизда ҳунар-техника таълими системасида сон ва сифат жиҳатдан катта ўзгаришлар юз берди. 1970 йилнинг охири мавжуд 126 та ҳунар-техника билим юртида 48 минг йигит-қиз таълим олган бўлса, эндиликда бундай билим юртларининг сони 360 га етди. Ҳозир қарийб 137 минг йигит-қиз ўз севган ихтисосларини ўрганмоқда.

Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон ҳунар-техника таълими системаси олдида катта вазифалар турипти. 1980 йилга бориб ҳунар-техника билим юртлари 400 тага етади. Ишчилар синфи сафига жуда катта отряд келиб қўшилади.

Областимиз ҳунар-техника билим юртларида ҳозир 20 мингдан зиёд йигит-қиз 120 дан ортиқ ихтисосни эгаллаяпти. Барча билим юртларимиз энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 300 дан зиёд ўқув кабинетлари ва лабораторияларида касбни пухта ўзлаштириш, назарий билимларни чуқур ўрганиш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Ҳаммамиз Чиноз районидаги С. М. Киров номли колхознинг донгдор пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунованинг ватанпарварлик ташаббусини яхши биламиз. У юз қизга «зангори кема» бошқаришни ўргатишга аҳд қилган. Биринчи махсус ихтисослаштирилган ҳунар-техника билим юртида ҳозир у Турсунойчилар мактаби ишлаб турипти. Тошкент область ҳунар-техника таълими бошқармаси бу ватанпарварлик ҳаракатни маъқуллаб, билим юрти базасида яна бир махсус билим юрти ташкил этишни мўлжалламоқда.

Бизда ёшларга ўз ишининг усталари бўлган жонкуяр педагоглар ёшларга устозлик қилишмоқда. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, 19-техника билим юртининг муаллимаси Э. Иброҳимова, ишлаб чиқариш таълими устаси М. Хасанхўжаев ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу ташаббускор педагогларнинг меҳнати туфайли ёшларнинг ўзлаштиришлари 100 процентга етказилди.

Областимиз билим юртлари касб конкурслари ўтказишда ҳам актив қатнашмоқдалар. Улар область, республика ва Бутуниттифоқ мусобақаларида доимо совринли ўринларни қўлга киритишади. Ҳар йили социалистик мусобақа ғолибларини, ўқиш аълочиларини Ватанимиз пойтахти Москвага, Кремлдаги Ғалаба байроғи олдида суратга тушишга юбориш ажойиб анъанага айланиб бормоқда.

Ҳунар-техника билим юртлари бўлажак қаҳрамонларнинг чинакам бешигидир. С. П. Королев, Ю. А. Гагарин сингари машҳур кишиларнинг шундай билим юртларини тугаллаб чиққанликларини айтиш кифоя. Областимизда ҳам бундай кишилар оз эмас. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, ангренлик машҳур кончи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Алиқуловларни ҳозир ким танимайди дейсиз.

Ҳунар-техника таълими аълочиларининг слётида сўзга чиққан бошқа ўртоқлар нутқларида ҳам ёшларнинг ишчилар синфи сафига кўплаб қўшилаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Жумладан, Чирчиқдаги 19-техника билим юрти талабаси И. Алтухова, Ангрендаги 17-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси Л. Лазаренколар ҳам ўқиб, ҳам ҳунар эгаси бўлиш учун барча шароит яратиб берилганлиги ҳақида гапирдилар.

Слёт делегатлари область ҳунар-техника билим юртлари ва умумтаълим мактабларининг барча ўқувчиларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ХАЛҚ СОҒЛИГИ ПОСБОНЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган нутқи миллионлаб йигит-қизларни янги зафарлар сари руҳлантирди. Областимиз комсомоллари съезд қарорларига жавобан яна ҳам самарали ва сифатли меҳнат қилишга, ўнинчи беш йиллик марраларини барвақт эгаллашга отландилар.

Шу кунларда беш йилликнинг неча минглаб гвардиячилари 1979—1980 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. 200 мингдан ортиқ йигит-қиз эса уч йиллик топшириқни СССР Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигигача бажариш учун курашмоқда. Уч мингдан ортиқ комсомол ёшлар коллективи браксиз ишлаш ва маҳсулотни биринчи кузатишдаёқ топшириш учун мусобақалашмоқда. Бу мусобақа яхши самара беряпти. Уч мингга яқин ёш ишчи тайёрлаётган маҳсулот биринчи кўрсатишдаёқ қабул қилинмоқда. 12 минг ишчи эса ўз шахсий тамғасига эга.

Областимиз йигит-қизлари беш йилликнинг зарбдор қурилишларида ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасида ишлашга отланган комсомоллар орасида областимизнинг неча юзлаб вакиллари бор. Ёшлар чорвачиликни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Кейинги тўрт йил давомида комсомол йўлланмаси билан уч мингдан ортиқ йигит-қиз шу зарбдор соҳага йўл олди.

Қалби олов, ватанпарвар ёшлар орасида соғлиқни сақлаш системасида меҳнат қилаётган йигит-қизлар ҳам оз эмас. Областимиздаги медицина муассасаларидаги 186 та комсомол ташкилоти 6,5 минг йигит-қизни ўз сафига бирлаштирган. Комсомоллар медицина хизмати кўрсатишни яхшилашда бошқа ёшларга намуна бўлмоқдалар. Чирчиқ шаҳар стоматология поликлиникаси комсомол ташкилотининг секретари, медицина ҳамшираси Жамила Муҳамедова, Оржоникидзе район касалхонаси бўлим мудири Рустам Каримов, Бекобод шаҳар касалхонаси медицина ҳамшираси Гулнора Рўзиева каби ёш мутахассислар ўз вазифаларини аъло даражада бажармоқдалар.

Тошкент область комсомол комитети ва область соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорликда ўтказган ёш медицина ходимлари йиғилишида мана шу факт ва рақамлар алоҳида тилга олинди. Докладчи область комсомол комитетинг биринчи секретари Б. С. Камолов, музокарада қатнашган область соғлиқни сақлаш мудири Б. Тошбеков, Калинин район комсомол комитетининг биринчи секретари, ВЛКСМ XVIII съезди делегати М. Жалилова, Тошкент район марказий поликлиникасининг шифокори Ш. Носирова, Оққўрғон район марказий касалхонасининг шифокори Э. Нозимова ва бошқа ўртоқлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар ҳамда съезд қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ишчанлик билан муҳокама қилдилар.

Нотиқлар ютуқларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратдилар. Медицина муассасалари комсомол комитетлари ёшларни эстетик руҳда тарбиялашга, йигит-қизларнинг дам олишини намунали уюштиришга, ғоявий-сиёсий ишлар савиясини оширишга даъват этилганлар. ВЛКСМ съездида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун комсомол ташкилотлари иш услуби ва методини янада такомиллаштириш, ёшларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш талаб этилади. Съезд ғояларини ҳар бир йигит-қизнинг онгига етказиш, съезд талаблари асосида ишни ташкил этиш комсомол ташкилотларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Йиғилишда область ёш медицина ходимларига қарата мурожаат қабул қилинди.

Йиғилишда область партия комитетининг бўлим мудирлари О. З. Зуфаров ва Н. Ф. Иброҳимов ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. У. Бозоров ўртоқлар иштирок этдилар.

ЖАСОРАТ ТЎҒРИСИДАГИ, ШОН-ШУҲРАТ ҲАҚИДАГИ ТУЛҚИНЛАНТИРУВЧИ ҚИССА

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда кўрсатган жасорати ҳақидаги таъсирчан ҳикоядир. 4 май куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган китобхонлар конференциясининг қатнашчилари бу китобларга ана шундай баҳо бердилар. Конференцияни республика Фанлар академиясининг президенти, академик О. С. Содиқов очди.

— Леонид Ильичнинг асарлари, деб таъкидлади 18-Армия ветерани, ботаника боғи директорининг ўринбосари М. Ф. Фастишков.— Жангчиларни ҳужумга отлантирган, оташин сўз ва шахсий намунаси билан уларни 1945 йилнинг музаффар майига, тинч фронтда меҳнат ғалабаларига олиб келган коммунистлар ҳақидаги ҳаққоний қиссадир. Китобларнинг ҳар бир сатри ғалаба кунини яқинлаштирган кишиларга чуқур меҳр-муҳаббат ҳислари билан суғорилгандир.

Сўзга чиққан нотиқлар Леонид Ильич Брежневнинг асарлари жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, курашишга ва ғалаба қозонишга ўргатажагини таъкидлаб ўтдилар.

(ЎзТАГ).

ЯКУН, ИСТИҚБОЛ, МУЛОҲАЗА

А. ВАЛИЕВ,

область план комиссиясининг раиси.

БАРЧА совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди томонидан белгиланган социал-иқтисодий ривожланиш программасини муваффақиятли амалга ошириш йўлида зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошириш учун кўрилган қатор тадбирлар туфайли пойтахт областимиз экономикасини ривожлантиришда катта-катта ютуқлар қўлга киритилди. Бунда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг интенсив юксалиши, бутун хўжалик фаолиятининг самарадорлиги ва сифати ошишига алоҳида эътибор берилди. Шунинг учун ҳам халқ хўжалигининг қатор етакчи тармоқлари, айниқса, оғир саноат, жумладан электр энергетика, машинасозлик ва металл ишлаш, металлургия саноати тезроқ юксалди.

Областимиз меҳнаткашларининг айниқса ўтган юбилей йилидаги зафарлари салмоқли бўлди. Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб ишладилар. Шу туфайли ҳам ўнинчи беш йилликнинг икки йили учун мўлжалланган халқ хўжалигини ривожлантириш плани саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми ва кўпчилик муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича зиёдаси билан адо этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ортиши 11,0 процентни ташкил этди. План топшириқларида эса бу кўрсаткич етти процент бўлиши керак эди. Икки йил давомида саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми 9,9 процент ошди. Барча шаҳарлар ва районлар белгиланган планларни бажардилар. Икки йил давомида пландагидан ташқари 128 миллион 700 минг сўмлик (Тошкент шаҳри ҳисобга кирмайди) маҳсулот реализация қилинди. Жорий пландагига нисбатан 104 миллион 224 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги 1975 йилдагига нисбатан 5,6 процент ошди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ортишининг 75,8 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди.

Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка, Коммунистик, Калинин, Пискент, Тошкент, Чиноз ва Янгийўл районлари корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ортишининг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди.

Областимиздаги 144 корхона икки йиллик планни муддатидан илгари бажарди. Шу давр ичида топшириқдагидан ташқари 319 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди. 370 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. 330 минг тоннадан кўпроқ минерал ўғитлар, 15,9 минг тонна пахта толаси, 1 миллион сўмлик мебель, 1952 тонна колбаса маҳсулотлари, 7,8 минг тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, 2,6 минг тонна кондитер маҳсулотлари ва бошқа жуда кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Саноат корхоналарида тайёрланаётган маҳсулот сифатини ва бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш бўйича ишлар давом эттирилди. Фақатгина 1976 йилда 50 га яқин механизациялашган поток, комплекс механизациялашган ва ярим-автомат линиялар. 74 та комплекс механизациялашган қурилмалар, 48 та комплекс механизациялашган участкалар ва 16 та худди шундай цехлар, 10 та автоматик ва комплекс автоматлашган линиялар, 22 та автоматлашган агрегатлар ва қурилмалар, бир қанча технологик жараёнлар, блоклар, агрегатлар, қурилмаларни автоматик бошқариш системалари, автоматлашган участка ва цехлар ишга туширилди. 4 та электрон-ҳисоблаш машинаси, 156 та илғор технологик жараёнлар жорий қилинди.

Бунинг натижасида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизация ва автоматлашиш даражаси анча ошди. Ҳозирги вақтда областда асосий ишлаб чиқариш бўйича комплекс механизациялашган 17 та корхона ишлаб турипти. Улар орасида Ангрендаги резина-техника заводи, Бекобод цемент комбинати, Облиқ норуда бинокорлик материаллари карьери, Янгийўл металлопластмасса заводи ва бошқа корхоналар бор. Етти корхона тўлалигича комплекс механизациялашган. Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Бўзсув, Оржоникидзе, ГЭСлари каскадлари, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси комплекс автоматлашган корхоналар ҳисобланади.

Саноат корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган жуда кўп тадбирлар кўрилмоқда. Шунинг учун ҳам бундай маҳсулот турлари анча кўпайди, ҳажми эса ортди. Биргина ўтган йили 200 миллион сўмлик маҳсулот давлат Сифат белгиси билан чиқарилди. Бу реализация қилинган маҳсулотнинг 9,1 процентини ташкил этади.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи қувватлардан самарали фойдаланиш, маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ҳам кўплаб амалга оширилмоқда. Шунинг учун сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда 150 га яқин кенг истеъмол товарлари шарафли беш қирра билан чиқариляпти.

ЎНИНЧИ беш йилликнинг ўтган икки йили давомида қишлоқ хўжалиги ҳам муваффақиятли ривожланди. Унинг ялпи маҳсулоти етти процент ортди. Шу давр мобайнида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 300 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ сарфланди. Бунинг эвазига 7 минг гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилди. 4783 гектар майдон капитал текисланди, 8354 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Турли кучланишдаги 294,4 километр электр узатиш линиялари қурилди. 39 та чорвачилик комплекслари ва бошқа қишлоқ хўжалик объектлари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

1976—1977 йилларда барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича план тўла ва ортиғи билан адо этилди. Давлатга 881 минг тонна пахта, 633 минг тонна каноп пояси, 216 минг тонна ғалла, 848 минг тонна сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди.

Давлат қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, айниқса пахтакорларнинг оғирини енгил қилиш ҳақида катта ғамхўрлик қилмоқда, ҳар томонлама ёрдам беряпти. Айниқса, минерал ўғитлар, химикатлар, техника воситаларини етказиб бериш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Фақатгина шу икки йилда колхоз ва совхозларнинг машина парки 3896 тракторга кўпайди. Бундан ташқари, 960 та пахта териш машинаси, 1431 та юк ва енгил автомашиналар ҳамда бошқа техника воситалари уларга етказиб берилди.


Механизацияни кенг жорий қилиш ва мавжуд техникадан юксак унум билан фойдаланиш ҳосилни қисқа муддатларда тез ва сифатли йиғиштириб олиш имконини бермоқда. Фақатгина ўтган йили тайёрланган барча пахтанинг 80,8 проценти пўлат бункерлардан тўкилди. Область бўйича эса ўрта ҳисобда ҳар гектар ердан 32,3 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди.

Асосий чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш бўйича халқ хўжалик планлари назарда тутилганидан анча тез бажариляпти. Ўтган икки йилда барча категориядаги хўжаликларда 64 минг тонна чорва ва парранда (тирик вазнда, наслдор моллар ҳам ҳисобга киради), 223,7 минг тонна сут, 398 миллион 924 минг дона тухум харид қилинди.

КАПИТАЛ қурилиш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Беш йилликнинг ўтган икки йили давомида 852,2 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 623 минг квадрат метр уй-жой, 24,3 минг ўқувчи ўрни бўлган умумий таълим мактаблари, 5765 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва бошқа қатор маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Қа-

7 МАЙ — РАДИО КУНИ

ЗАМОН ЖАРЧИСИ



РЕСПУБЛИКА телевизион марказида янги студиялар фойдаланишга топширилди. Марказ рангли тасвирда кўрсатувлар олиб бориш билан боғлиқ аппаратлар билан ҳам жиҳозланди. Суратларда: [юқоридан пастга] рангли тасвирдагги кўрсатувни бошқариш пайти. Инженер Ю. Сапрыкин билан электромеханик Ю. Ганецлар иш устида. Республика радиоалоқа узели пультида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

АЛОҚА, телевидение ва радио! Эртага ана шу соҳа ходимлари ўзларининг аньанавий муштарак байрамларини кенг нишонлайдилар. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партиямизнинг жанговар ғоявий қуроли бўлиб хизмат қилаётган барча алоқа тармоқлари, телевидение ва радио кундалик ҳаётимизга жуда-жуда сингиб кетди.

Радио куни арафасида мухбиримиз республикамиз алоқа, телевидение ва радио ходимлари ҳузурида бўлиб, улар олиб бораётган фахрли ишлар билан танишди ҳамда «қоғозсиз ва масофасиз газета»ни янада оммалаштириш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб беришни сўраб Ўзбекистон ССР Алоқа министрининг ўринбосари А. ТОҒАЙАЛИЕВ, Ўзбекистон телестудияси «Ёшлик» редакциясининг бош редактори Э. МУСАЕВ ва Ўзбекистон радиоси Тошкент области радио эшиттириш бош редакциясининг бош редактори Ҳ. УМАРОВга мурожаат этди.

— КЎҲНА тарих ажойиб саналарга бой, — дейди ўртоқ А. Тоғайалиев, — 1895 йил 7 май куни ҳам асрлар йилномасига абадий ўчмас қилиб ёзиб қўйилди. Улуғ рус олими А. С. Попов ўша йили инсоният учун буюк ихтиро — радиони яратиб берди. Ленин бошорат қилиб айтганидек, барпо этилган бу қоғозсиз ва масофасиз газета жуда катта жанговар ва қудратли воситага айланди.

Кейинги йилларда серқуёш республикамизда ҳам алоқанинг барча воситалари, телевидение ва радио техникаси юксалди ҳамда такомиллашди. Ўзбекистон радиоси ўз фаолиятини кичик базада бошлаб, биринчи эшиттиришларини 1927 йилнинг февраль ойида эфирга тарқатган эди. Ҳозирда эса радиоэшиттиришлар жуда кенг қулоч ёзган. Ўзбекистон радиоси бир кеча кундузда жами 66,5 соат эшиттириш бермоқда. Шундан 7 соати чет эл мамлакатлари учун тайёрланмоқда.

Радиотехника тараққиёти туфайли ана шундай қулайликларга эга бўлдик. Бу, ўз навбатида мавжуд қабул қилиб олиш қурилмаларини реконструкция қилиш ва янгиларини ўрнатиш имконини беради. Юқори самарали қабул қилиб олиш антенналарининг ўрнатилиши ҳам бизнинг ютуғимиздир.

Шу ўринда янги телевизион передатчиклар ва радиоэшиттириш станциялари монтаж қилинганлигини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Бунинг натижасида радио-реле линиялари узунлиги ортди. Булар, шубҳасиз телевизион ва радиоэшиттириш хизматини тағин ҳам яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди.

Мисол учун телевизион кўрсатувларнинг ўзини олиб кўрайлик. Бугунги кунда «Зангори экран» кўрсатувлари биринчи программасини республикамиз аҳолисининг 96 процентдан ортиғи томоша қилмоқда. Қардош иттифоқдош республикалар ичида томошабинларни телевидение билан қамраб олиш жиҳатидан биз етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибмиз. Тошкент шаҳри телевизорлар сони бўйича СССРда бешинчи ўриндадир.

Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси улкан янги бинога эга бўлади. Радио уйининг ва телевидение марказининг ишга тушиши билан эшиттириш ва кўрсатувлар қуввати, ҳажми ҳамда сифати янада ортади. Студиялар энг яхши аппаратуралар билан, телетехникасининг энг сўнгги ютуқлари билан таъминланади. Улар овозни ҳамда кўринишларни сифатли ёзиб олувчи махсус аппарат ва машиналар билан жиҳозланади.

Беш программали «зангори экран» кўрсатувларига ўтишга оз вақт қолди. Бунинг учун ташкилий-техникавий тайёргарликлар кўрилмоқда. Тошкентнинг энг баланд жойларидан бири — «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғи ёнида Тошкент телевизион минораси бунёд этилади. Унинг эшиттиришлар тарқатиш антеннасининг баландлиги 350 метр бўлади. Минора ишга тушгач, «зангори экран» орқали берилаётган кўрсатувларнинг сифати ортади, беш программали кўрсатувга ўтилади.

— ТЕЛЕВИДЕНИЕ моддий-техника базасининг тағин ҳам яхшиланиши кўрсатувлар ғоявий-сифатий савиясининг таъсирчанлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди, — дейди ўртоқ Э. Мусаев. — Ижодий группаларимиз, телевиденнинг барча ходимлари ўз бурчларини чуқур ҳис қилган ҳолда диди баланд, савияси юксак телетомошабинларга манзур бўла оладиган программа тайёрлашга маҳкам бел боғлаганлар.

Умуман, кўрсатувларни ҳозирлаш жараёнида адабий сценарийларнинг пухта бўлишига, уларни режиссура жиҳатидан жозибали ҳал этилишига катта аҳамият бераяпмиз. «Октябрь менинг тақдиримда» туркумидан «зангори экран»га чиқарилган кўрсатувлар томошабинларимизга манзур бўлди. Донгдор кишилар ҳур замонамиз ҳақида, ўзларининг шахсий камолотлари тўғрисида тўлқинланиб гапириб бердилар.

Иттифоқдош республикалар эришаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи махсус программалар ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Шу ўринда «Дўстлик экрани» программасини айтиб ўтмоқчимиз. Студия Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР тележурналистлари ижодий ҳамкорлигида экранга чиқарилаётган бу кўрсатувлар тўғрисида меҳнаткашлардан ижобий фикрлар билдирилган мактублар олиб турибди. «Ёшлик», адабий-драматик, «Совет жанговари» каби кўрсатувлар ҳам қизиқиш билан томоша қилинмоқда.

«Зангори экран»да намойиш қилинаётган қатор кўрсатувлар бевосита телетомошабинлар хатлари асосида тайёрланмоқда. Кўпгина кишилар «Инсон ва қонун» телевизион кўрсатувига ўзларини қизиқтираётган саволлар билан мурожаат қилиб туришибди. «Сиҳат-саломатлик», «Ота-оналар университети», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Оламга саёҳат», кўрсатувлари ҳам бош мухбиримиздан олинган хатхабарлар асосида экранга чиқарилмоқда.

Телевизион кўрсатувларни бойитишда телефильм студияси ижодий коллективининг ҳиссаси каттадир. Студия музикали ва бадиий телефильмлар яратишга ҳам бел боғлади. «Совет Ўзбекистони», «Съезддан съездгача», «Авлодлар», «Серқуёш республика болалари» телефильмлари энг яхши ленталар қаторидан ўрин олди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев совет матбуоти, радиоси, телевидениеси, информацион агентликларининг ходимлари КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни бажариш йўлида совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини сафарбар этиш соҳасида катта ишлар қилаётганликларини таъкидлаб ўтди. Бу борада ишончи биз тележурналистларни янада ғайрат билан ишлашга даъват этади.

— РАДИО — миллионлар минбари, — дейди ўртоқ Ҳ. Умаров. — Дарҳақиқат, радиоэшиттиришда ишчилар, бинокорлар, колхозчилар, инженерлар, олимлар — турли касб эгалари актив қатнашмоқдалар. Бу эса программаларимизнинг янада жозибали, янада мазмунли бўлишини таъминламоқда. Эфир тўлқинлари орқали таралаётган эшиттиришлар тема ва жанр жиҳатидан ранг-баранг бўлиб бормоқда.

Редакцияларда ижодий активлик ҳукмрон. «Ёшлик» редакцияси тайёрлаётган эшиттиришларнинг кўлами анча кенгайди. Ҳар тонгда бериладиган «Пионер эталиги» радиогазетаси, «Аланга», «Инсон одоби билан», «Мангуликка муқаддима» деган ном билан эфирга чиқарилаётган эшиттиришларнинг минг-минглаб ўз тингловчилари бор.

Кейинги йилларда пропаганда Бош редакциясида янги рубрикалар пайдо бўлди. «Мактаб ва жамоатчилик», «Биз — ватанпарвар, интернационалистларимиз!» деган мавзулардаги материалларни тайёрлашда кўплаб авторлар жалб этилмоқда. Педагоглар, олимлар, шифокорлар микрофон олдида сўзлаб, ўзларининг фойдали маслаҳатларини бермоқдалар. «Ўзбекистон ишчиси», «Табассум», «Дугоналар», «Гулшан» радиостанцияларининг программалари ҳам ранг-барангдир.

Мана бир неча йилдирки, Тошкент области учун алоҳида программада эшиттиришлар бериб борилмоқда. Эшиттиришларнинг мавзу жиҳатидан хилма-хил бўлишига эътибор кучайди. «Ишлаб чиқаришда юксак маданият учун», «Ҳосилдорлик резервлари» эшиттиришлари, «Тошкент меридианн» радиожурнали ва шу каби бошқа материаллар ҳам маъкур редакция томонидан тайёрланмоқда.

Ўзбекистон радиоси программасига киритилган янги гуркум ва рубрикалар ҳам тингловчилар эътиборини ўзига тортмоқда. «Ўнинчи беш йиллик йилномаси», «Табаррук замин» туркум эшиттиришлари шулар жумласидандир.

Шу йили «Машъал» радиостанцияси иш бошлади. Станция энг сўнгги янгиликлар билан меҳнаткашларни таништириб бормоқда.

Радио ҳар бир кишининг дўсти ва кадрдонидир. Субҳидамда сабоға тараллаи эфир тўлқинлари хонадонларга қувонч олиб киради. У кун бўйи кишилар билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб, уларни кўп воқеалардан хабардор қилади, қалбларга завқ-шавқ бағишлайди. Ана шундай улуғ ишга ўз ҳиссамизни қўшаётганлигимиз билан биз радио ходимлари чексиз фахрланамиз.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОВЕТ - АМЕРИКА МАСЛАҲАТЛАШУВИ

ХЕЛЬСИНКИ, 4 май. (ТАСС). Халқаро миқёсда қурол-яроғ билан савдо қилишни чеклашга доир масалаларни муҳокама қилиш учун бу ерда Совет-Америка маслаҳатлашуви бошланди.

Маслаҳатлашувда Совет делегациясига элчи Л. И. Менделевич, Америка делегациясига АҚШ давлат департаментининг ҳарбий-сиёсий масалалар билан шуғулланувчи бошқармасининг директори Л. Гелб бошчилик қилмоқдалар.

Ҳар иккала делегациянинг бошлиқлари 3 майда учрашиб, маслаҳатлашувнинг шу даврасидаги ташкилий масалаларни ўзаро келишиб олдилар.

4 майда биринчи ялпи мажлис бўлиб ўтди.

ЧАДДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ПАРИЖ, 3 май. (ТАСС). Париж матбуоти Чад Республикасидаги аҳвол яна кескинлашганини қайд қилади. «Матэн» газетасининг хабар беришича, марказий Африкадаги шу мамлакатда жойлашган ажнабий легион ва парашют-десант қўшинлари бўлинмаларига қўшимча равишда Франциянинг яна икки юзта денгиз пиёда аскарлари Чадга юборилган.

Газеталар Париж ва Нжамена билан Дакар Абижангдаги таянч пунктлари ўртасида «осмон кўприги» вужудга келтирилаётганлиги ҳақида ёзмоқдалар. Чад пойтахтига Франциянинг солдат ва ҳарбий анжомлар ортилган «Трансалль» ҳарбий-транспорт самолётлари ва «Ягуар» қирувчи-бомбардимончи самолётлари келиб турибди.

Чет эл ахборот агентликларининг хабар беришича, Чадга юборилган француз қўшинлари танк ва авиация ёрдами билан Миллий Озодлик Фронти (Фролина) позицияларига ҳужумни кучайтириб юборганлар. Ана шу гуруҳ бир неча йил мобайнида ҳукуматнинг қуролли кучларига қарши уруш ҳаракатларини олиб борган эди. Аммо бир неча ҳафта муқаддам Ливия, Нигер ва Судан воситачилигида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битим тузилган эди. Аммо Чадда жанжал яна бошланиб кетди.

Чад олий ҳарбий кенгаши ва ФРОЛИНА раҳбарлари доим эълон қилаётган баёнотларида тангликни бартараф қилиш ва миллий яраш битимини тузишга интилаётганликларини таъкидлаб ўтиладн. ФРОЛИНА мамлакат территориясидан француз қўшинлари олиб чиқиб кетилмаган тақдирда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни бекор қилинди, деб ҳисобланишини ҳам уқтириб ўтади.

Париж матбуоти Чаддаги воқеаларни кенг шарҳлаб, французларнинг ҳарбий йўл билан аралашётганлиги мамлакатдаги вазиятни мушкуллаштириб юборди, деб таъкидламоқда. «Котидьен де пари» газетасининг фикрича, бундай аралашув Франция учун ўтган йил кўкламида Шаба вилоятида халқ қўзғолони бўлган пайтда Заир ҳукуматига берилган ёрдамдан кўра жиддийроқ оқибатларни вужудга келтириши мумкин.

НУРМУҲАММАД ТАРОКИЙНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОБУЛ, 4 май. (ТАСС). Кобул радиоси Афғонистон Демократик Республикаси революцион кенгашининг раиси ва ҳукуматининг бошлиғи Нурмуҳаммад Тарокийнинг баёнотини эшиттирди. У чет эл реакцион матбуотининг баъзи органлари ёш республикага қарши олиб бораётган душманлик пропаганда кампаниясини қоралади.

Халқаро реакция, деди Н. Тарокий, — дунё халқларининг, прогрессив ва ватанпарвар режимларнинг озодлик ҳаракатига қарши қўпорувчилик фаолиятининг турли шакл ва методларини қўламоқда. Афғонистонда 27 апрелдаги муваффақ революция натижасида давлат ҳокимияти ҳақиқий миллий, прогрессив, демократик ва ватанпарвар кучлар қўлига ўтган бугунги кунда халқаро реакция фактлар ва бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини бузиб кўрсатувчи ашаддий ва сохта пропаганда кампаниясини авж олдириб юборди. Халқаро реакция жаҳон жамоатчилигини чалғитмоқчи. Шу муносабат билан Н. Тарокий таъкидладики, Афғонистондаги миллий, демократик революция халқнинг бевосита ўз хоҳиши асосида, чет давлатларнинг заррача бўлсада аралашувисиз амалга оширилди; афғон халқининг кенг табақалари бу революцияни тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда.

Н. Тарокий халқаро реакцион доираларнинг революция чоғида гўё минглаб кишилар ўлдирилди ёки қатл этилди, деган ёлғон—яшиқ гапларини рад этиб, 27 апрелдаги воқеалар пайтида халок бўлганлар 100 кишидан ошмайди, деди.

Революция ғалаба қозонганидан сўнг, деб давом этди Афғонистоннинг раҳбари, Афғонистон тамомила мустақил ва тинчликсевар ижобий бетарафлик сиёсатини ўтказа бошлади. Пировардида Н. Тарокий айтдики, Афғонистон Демократик Республикасининг революцион кенгаши ва ҳукумати 27 апрелдаги миллий демократик революция ғалабаларини қатъий ҳимоя қиляпти ва бундан кейин ҳам ҳимоя қилаверадилар, эркин ва мустақил Афғонистонда шу революциянинг пировард мақсадларини амалга ошириш учун ўзларига боғлиқ ҳамма ишларни қилаверадилар.

Қобул радиосининг хабар беришича, Афғонистон пойтахтида Н. Тарокий раислигида АДР ҳукуматининг мажлиси бўлган. Мажлисда министрликларнинг фаолияти тўғрисидаги докладлар, шунингдек мамлакатдаги аҳвол тўғрисидаги ахборот тингланди. Ахборотда бугун Афғонистонда осойишталик ва тартиб-интизом сақланаётганлиги, ҳамма муассасалар ва магазинлар нормал ишлаб турганлиги айтилади.

„РАЙОН РАДИОУЗЕЛИДАН ГАПИРАМИЗ“

Радио эшиттириш редакциясига районимизнинг ҳамма ҳўжаликлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида тузилган мухбирлар пости аъзолари ўзларининг хат-хабарларн билан актив қатнашиб турибдилар. Ана шундай жамоатчи мухбирларимиздан Ҳ. Ғаннев, Ф. Умарова, Д. Содиқова, Т. Зокиров, Т. Чегабоев, О. Мустафоев ва Г. Бобоевалар қизиқарли хабарлари билан эшиттиришларнинг мазмунли бўлишини таъминламоқдалар.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон район радио эшиттириш редакциясининг редактори.

БАРЧА совет кишилари КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор режаларни амалга ошираётирлар. Районимиз меҳнаткашлари ҳам кўпгина ютуқларни қўлга киритдилар. Бу муваффақиятлар район радио эшиттириш редакцияси томонидан кенг оммалаштирилмоқда. Ҳозир районимизда 6 мингдан ортиқ радио точка мавжуд.

Пахтакорларимиз ҳақида кўплаб материаллар берибмоқдамиз. «Ленинобод» колхозининг донгдор пахтакори, Соцналистик Меҳнат Қаҳрамони Таласбой Ғазатов, Охунбобоев номли колхозининг бригада бошлиғи, Ленин ордени кавалери Исмат Беркинбоев, С. Сегизбоев номли совхозининг 1-бўлими бригадири, Ленин ордени кавалери Юсуфжон Нишонов ва бошқалар ҳақида очерк ва лавҳалар эшиттирилди.

«Партия XXII съезди» колхозининг донгдор сут соғувчиси, ВЛКСМ XVIII съезди делегати М. Қўлдошева ўзига бириктирилган 18 бош сигирнинг ҳар биридан 5500 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиш юзасидан бошлаган ташаббуси радиомиз орқали эшиттирилгандан сўнг унинг ибодини кўпайиб кетди. Шу муносабат билан «Мақсуда Қўлдошева ибодошлари» рубрикасини очдик. Т. Исломгулова, Г. Сулаймонова, З. Раҳмонова, Й. Раҳмонова, И. Тожибоева ва бошқа илғор чорводорларнинг радио орқали чиқишлари уюштирилди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, ғоявий чиниқтириш муҳим вазифалардан биридир. Яқинда Ҳ. Олимжон номли колхоз партия ташкилоти секретари Мунира Ҳасанованинг «Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа», район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири Аскар Алибоевнинг «Қишлоқда турмуш маданиятини яхшилашда коммунист масъулияти», «Партия XXII съезди» колхоз партия ташкилоти секретари Ҳаким Эрқуловнинг «Меҳнаткашларни коммунистик онглилик руҳида тарбиялашда цех ташкилотларининг роли» деган суҳбатлари кўпчилик радио тингловчиларда қизиқиш уйғотди.

Биз шу кунгача радио тингловчиларимиздан 140 дан ортиқ хат олдик. Уларнинг ҳаммасидан ўз эшиттиришларимизда фойдаландик. Меҳнаткашларнинг хатлари асосида тайёрланган танқидий материаллар радио орқали ўз вақтида эълон қилинди.

Редакция қошида редакцион коллегия тузилган. Унга район партия комитетининг секретари С. Йўлдошева бошчилик қилмоқда.





✦ **СОМАЛИНИНГ** экспансионист доиралари томонидан авж олдирилган 9 ойлик урушдан сўнг Огаденда ниҳоят осойишта кунлар бошланди. Минглаб кишилар ўз қадрдон юртларига қайтиб келмоқдалар. Эфиопия ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият урушдан жафо чеккан аҳолига ёрдам кўрсатмоқда. СУРАТЛАРДА: Хараре вилоятида яшовчи деҳқон ўз юртига қайтиб келмоқда; Жигжигу шаҳрига урушдан сўнг қайтиб келган аҳолининг дастлабки гуруҳаси.

Г. Габриэлян фотолари. ТАСС фотохроникаси.

МАЙДА-ЧУЙДА ГАПЛАР

ТОР ЯНГИ саноат корхоналари, нурхоналар, қўшимча қувватлар ишга туширилди.

АВТОМОБИЛЬ транспорти янада ривожланди. Икки йил мобайнида транспорт ана шу туриниг ёрдами билан 64 миллион тонна халқ хўжалик юклари ташиб беради. Кўплаб янги автомобиль йўллари қурилди, мавжудлари ремонт қилинди. Шаҳарлар ва районлар марказларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича маълум ишлар қилинди. Буниг учун 18 миллион сўм маблағ сарфланди.

Область экономикасининг мустаҳкамланиши туфайли меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги тўхтовиз ортиб бораяпти. Шуниг учун ҳам уларга савдо, маиший хизмат кўрсатиш тобора кенгайтирилмоқда. Икки йил давомида чакана товар обороти ҳажми 11,1 процент ошди. Маиший хизмат кўрсатиш эса 1,3 баравар ортди.

Областимиз экономикасининг беш йиллигиниг ўтган икки йилидаги юксалиш якунларини Асосий йўналишларда назарда тутилганларига солиштириб кўрсак, ҳалқ кўпгина соҳада планда белгиланган марралар эгалланмаётганлигини, айрим соҳалар бўйича бирмунча орқада қолинаётганлигини кўрамиз.

Саноат ишлаб чиқаришини планлаштириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда жуда кўп нуқсонлар бор. Индустриямиз фаолиятини яхшилаш имконини берадиган жуда кўп резервлар фойдаланилмай ётипти. Масалан, ўтган икки йилда 28 саноат корхонаси ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планниг бажарилишини таъминламади. Натижада белгиланганига нисбатан 19 миллион 900 минг сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Айрим саноат тармоқларида маҳсулот турларини ишлаб чиқаришда қолоқлик бор. Масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати белгиланганига нисбатан 29 минг тонна кам олтингугурт кислотаси берди. Олмалиқдаги 6-, Чирчиқдаги 9-гишт заводлари бошқармалари икки йил мобайнида далатдан 104 миллион дона гишт қаъра бўлиб қолдилар. Оҳангарон ва Бекобод цемент комбинатлари цемент, шифер, асбоцемент қувурлари ишлаб чиқаришда беш йиллик пландаги даражадан орқада қолмоқдалар. Темир-бетон конструкциялари, трансформаторлар ва бошқа қатор саноат маҳсулотлари турлари бўйича ҳам беш йиллик марралар суст эгалланяпти.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш бўйича ишлар ҳамма жойда ҳам талаб даражасида олиб борилмаяпти. Айрим корхоналар паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттиришмоқда. Биргина Олмалиқ мебель фабрикаси ўтган йилнинг ўн бир ойида салкам 2,2 миллион сўмлик брак мебель ишлаб чиқарди. Олмалиқ тикувчилик фабрикаси, 6-гишт заводлари бошқармаси, Ангрен керамика комбинати, Бекобод металлургия заводининг сирланган идишлари, қатор пойафзал фабрикалари маҳсулотларига қўплаб реклamaциялар олинмоқда.

План интизомини бузиш ҳоллари ҳамон давом этаётганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Масалан, ўтган йили областдаги пахта тозалаш ва луб заводлари планлари 1976 йилда эришилган даражадан кам қилиб белгиланди. Бундай тенденция бошқа корхоналар бўйича ҳам содир бўлди. Планлаштиришдаги чалкашликлар оқибатида иттифоқ, иттифоқ-республика ва республика министрликлари йил давомида планларни бир неча бор ўзгартирдилар. 91 корхонанинг плани йил давомида икки мартадан тортиб тўрт мартагача оширилди ёки камайтирилди. Айрим корхоналарда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича белгиланган план беш йилликнинг икки йили ҳажмига нисбатан кам бўлди. Бунинг оқибатида Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, ўнлаб саноат корхоналари назарда тутилганидан кам маҳсулот ишлаб чиқарди. Планлаштиришдаги бундай аҳвол беш йиллик планнинг тўла бажарилмаслигига олиб келиши ёки унинг сўнгги йилларида катта қийинчиликлар вужудга келтириши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам жуда кўп камчиликлар ва нуқсонлар бор. Умуман область бўйича пахта ҳосилдорлиги анча ошганига қарамай кўпгина хўжаликлар областдаги ўрта кўрсаткичдан кам ҳосил олдилар. Бекобод районидаги 4-«Далварзин», Бўка районидаги «Кўкорол» совхозларн ва бошқа хўжаликлар бунга мисол бўла олади.

Картошка ва полиз экинлари ҳосилдорлиги суст ошмоқда. Бунинг оқибатида яна шундай маҳсулотларни етиштириш планлари йил сайин бажарилмаяпти. Кўпгина сабзавот экинларини етиштириш ҳамон хўжаликларга зарар келтирмоқдаки, уни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилмаяпти. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг механизация даражаси жуда паст. Областда сабзавот экиш бўйича механизация даражаси 56 процент, ораларига ишлов бериш 70 процент бўлгани ҳолда ҳосилни йиғиб-териб олиш ишларининг фақатгина олти процентн машиналар ёрдамида бажарилмоқда. Боғдорчилик ва узумчиликда фақатгина зараркунандалар ва касалликлар, ерга ишлов бериш ва ўғит солиш ишларигина механизациялашган, холос.

Областда қовоқ, бақлажон, патиссон, чеснок, петрушка, укроп ва бошқа кам тарқалган сабзавотлар ва кўкатлар етарли етиштирилмаяпти. Бундан ташқари, эртаки картошка, бодринг, сабзи, помидор етиштириш учун бор имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти.

Областимизда гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг қулай шароитларидан талаб даражасида фойдаланилмаяпти. Шунинг учун ҳам кўпгина хўжаликлар гўшт етиштириш планини бажармаяпти. Икки колхоз ва саккиз совхоз давлатдан 992 тонна гўшт қарз бўлиб қолди. Кўпгина хўжаликлар сут, тухум, жун, галла, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, янги мева ва резаворлар етиштириш планини бажармаяптилар ёки бу маҳсулотлар бўйича беш йиллик план кўрсаткичларидан орқада қолмоқдалар.

Капитал қурилишида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Ажратилган маблағлар суст ўзлаштириляпти, объектлар аксарият ҳолларда белгиланган муддатларда ишга тушурилмайди. Биргина ўтган йили асосий фондларни ишга тушириш плани давлат капитал маблағлари ҳисобига 67 процент бажарилди, капитал маблағнинг 87 процентн ўзлаштирилди, холос. Қурилиш-монтаж ишлари мажбуриятлари уёқда турсин, ҳатто планлари ҳам муттасил бажарилмаяпти. Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги камчиликлар оқибатида иш вақтининг маълум қисми фойдасиз ўтмоқда, моддий-техник ресурслар, бинокорлик машиналари ва механизмларидан самарасиз фойдаланяпти, меҳнат ва давлат интизоми бузилмоқда. Бинокорлик материалларини тежаб-тергаб сарфлаш, иш сифатини ошириш кўп ҳолларда эътибордан четда қолаяпти.

Иттифоқ, иттифоқ-республика ва республика министрликлари ўтган икки йилда капитал маблағлар ҳажмини планлаштиришда беш йиллик планда назарда тутилганига амал қилишмади. Бунинг натижасида амалда бажарилган иш билан план ўртасидаги тафовут салкам 300 миллион сўмни, уй-жойларни ишга тушириш бўйича эса 321 минг квадрат метрни ташкил этди.

Автомобиль транспорти билан юк ташиш ҳажмининг кўпайиши беш йиллик пландагидан орқада қолмоқда. У ўтган икки йилда 9 миллион тоннани, юк обороти бўйича эса 242,8 миллион тонна-километрни ташкил этди. Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳам муттасил ошиб бораётган эҳтиёж даражасида бўлмаяпти.

Ўнинчи беш йилликнинг икки йили натижаларини кўриб чиқиш ҳали экономиканинг барча тармоқларида фойдаланилмаётган резервлар кўп эканлигини кўрсатди. Агар ана шу резервлардан тўла ва оқилона фойдаланилса, ўнинчи беш йиллик планда назарда тутилган барча марралар бемалол эгалланиши мумкин бўлади.

Экономиканинг барча соҳасидаги ишларни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқда бўлган чоғида ҳамда ВЛКСМнинг XVIII съездидаги нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар асосида ташкил этиш керак.

Шанба саҳифаси

Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг Тошкентда ўтадиган V кинофестивалига катта тараддуд кўрилмоқда. Маҳаллий саноат министрлигига қарашли махсус бадиий конструкторлик бюроси мастери Адҳам Ҳакимов совғаларнинг янги намуналарини яратмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ТОШКЕНТДА АФРОСИЁБ ТЕПАСИ

Тошкент шаҳри 2500 ёшдадир. У, дунёдаги энг қадимий, СССРдаги энг йирик замонавий шаҳарлардан бири. Бу ҳақда ушбу сатрлар муаллифининг мақоласи матбуотда эълон қилинган эди.

Шундан кейин ҳам биз тадқиқотларни давом эттирдик. Янги далиллар ва исботлар топдик. Жумладан, Тошкент шаҳрининг «Эски шаҳар» қисмида, яъни Собир Раҳимов райони территориясида (шаҳарнинг қадимий мудофаа девори ва Чигатой дарвозаси ичкарисида, Кайковус ариғининг чап қирғоқ соҳилида) катта бир тепа мавжудлиги аниқланди. У «Афросиёб тепаси», «Афросиёб шаҳри», «Афросиёб қалъаси» ва «Афросиёб ўрдаси» деган номлар билан машҳур экан. (Баъзилар уни «Чарчин тепа» ва «Шаршин тепа» деб ҳам атайди).

Тепанинг Афросиёб номи билан аталишига сабаб, унинг Турон подшоҳи Афросиёб даврида бино этилганлигидадир. Афросиёб эрамиздан аввалги V асрда Туронни идора этган.

Демак, юқорида айтилган мақолада кўрсатилганидек, Тошкент шаҳри 2500 ёшда. Афросиёб тепасининг ғарбий қисми Форобий (собиқ Чигатой) кўчасига, шарқий қисми Сағбон кўчасига чиқади. Тепанинг устида аҳоли уй қуриб олган ва у ерда истиқомат қилмоқда.

Тошкент шаҳрида Самарқанддаги каби Афросиёб тепалигининг топилиши фанда катта воқеадир. Уни қазиб, ўрганиш катта илмий аҳамият касб этади. Қадимий ва навқирон Тошкент шаҳри ва тошкентликларнинг тарихи ҳали бизга номаълум бўлган янги зарварақларини — саҳифаларини, хўжалик ишлаб чиқаришини, турмуш ва маданий ҳаётини ўрганиш мумкинлигини тақозо этади.

Ҳалилулла МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати.

КУНЛАРДАН БИР КУН...

ЧЕКМАЙДИГАН ЧЕМПИОНГА ҚИЙИН

Ўтган аср буюк рус шахматчиси Михаил Иванович Чигорин чекмаси, сигарета ҳидига сира тоқати йўқ эди. Донги чиққан немис гроссмейстери З. Тарраш билан бўлган тарихий матчда унинг бу яхши фазилати анчайин ташвишга сабаб бўлганди. Гап шундаки, Тарраш ўйин пайтида тинмай арзон немис сигареталарини бурқситарди. Бу рус шахматчисининг гашига тегди.

Чигорин мазкур матчнинг ташкилий комитетига (ўйин Петербургда ўтказилаётган эди) ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ташкилотчилардан бири — у тамаки фабрикасининг соҳиби эди — ватандошининг кўнглини тинчитди:


— Эртага, Михаил Иванович, ҳаммаси жойида бўлади.

Дарҳақиқат, эртасига Тарраш Гавананинг биринчи сорт сигараларидан бир яшигини тортиқ қилдилар. Немис гроссмейстери хурсандликдан тўлқинланиб кетди:

— О, бу жуда ажойиб сигара. Хушбўйлигини айтмайсизми? Бундай сигараларни мен фақат байрам кунларидагина чекишни ўзимга раво кўраман...

У шундай деб, чўнтагидан портсигарасини олиб икки пфеннинг турадиган хашаки сигаретасини тутата бошлади. Дарҳол Таррашга унинг байрами бошланган деб ҳисоблаш мумкинлигини ва бутун матч давомида яхши сигаралар билан таъмин этиб турилишини тушунтиришди. Шундан кейингина шахматчилар ўртасидаги келишмовчилик бартараф бўлди.

Ниҳоятда қаттиқ «жанг» билан ўтган матч дуранг натижа билан тугаганлиги маълум.



ҚУРУҚ ҚОҒОЗ

(МИНИАТЮРА)

Ошхонада бир санинспектор озодаликни текшириб, акт ёзар экан, ошпазга дўқ ура бошлайди.

ИНСПЕКТОР —Оғайни, шеф-повар бўлганингиздан кейин ишингизни билиб қилинг-да. Бу қандай гап, ҳаммаёқ ифлос. Ошпазларингизнинг фартукларини кўринг, қараб бўлмайди, Қозонларнинг кири бир қарич. Шунчалик ҳам бепарволик бўладими?

ОШПАЗ — Кечирасиз, унчамунча камчиликлар бўлса бордир, уларни дарров тўғрилаймиз. Хотиржам бўлинг.

ИНСПЕКТОР — Йўқ, ҳозир ошхонани ёпиб печатлаб кетаман. Мана акт.

ОШПАЗ — Хўжайин, бу сафарча кечиринг. Ҳамма кўрсатганларингизни тузатамиз. Бўғини менга қўйиб бераверинг, хўжайин.

ИНСПЕКТОР — Йўқ, бўлмайди. Епаман, қани мана бу актга қўл қўйиб юборинг.

ОШПАЗ — Жон ака, ўзингиздан ўтар гап йўқ. Сиз ҳам, биз ҳам бола-чақаликмиз, ошхонани ёпиб кетсангиз шунча овқат исроф. бўлади-ку.

ИНСПЕКТОР — Билмайман. Унга ўзингиз жавоб берасиз. Қани актга қўл қўйинг. Манг, **[актни узатади]**.

ОШПАЗ — Мулла ака, биз ҳам одамни қадрига етадиган йигитлардан. Сазамизни ўлдирмасангиз, ахир сизни ҳам хурсанд қиламиз. Буёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, мулла ака. **[Чўнтагини кавлаб, бир даста пул чиқариб кўрсатадида, тескари қараб бир нарсани акт ёзилган қоғозга ўрайди]**. Мана, мулла ака, актни тақа қўйдим. Чўнтакка солиб қўйсангиз хурсанд бўламиз.

ИНСПЕКТОР — **[Ўроғлик қоғозни шошиб чўнтакка солади]** Сира қўймадингиз-да. Бўлмаса ҳалиги камчиликларни тезда бартараф қилинг, хўпми.

ОШПАЗ — Хўп, хўп, жоним билан. Ие, ана ошхонамизнинг мудири ҳам келиб қолди.

МУДИР — Ассалому алайкум.

ОШПАЗ — Бу киши санинспекциядан, ошхонамизда тозалик ишларини текширдилар.

МУДИР — Шундаймми, келинг, келинг, саломатмисиз? Ҳай, менга қара, сен қандайсан. Одамгарчиликни биласанми ўзи. Меҳмонга чой-пой ҳам қилмабсан-ку.

ОШПАЗ — Олдин меҳмон камчиликлардан кўз юмиб ўтиб кетмасинлар деб ўйладим-да. Текширишни энди тамомладилар. Энди меҳмон қилсак бўлади.

МУДИР — Ҳа, тузук. Сенинг ҳам билганинг билган. Хўш, меҳмон, қалай ишимиз тузукми.

ИНСПЕКТОР — Емон эмас.

МУДИР — Оғзингизга новвот. Ҳай, менга қара **[ошпазга қараб]**, менга шиқоят дафторини олиб бер, кейин берадиганингни бер.

ОШПАЗ — Хўп, хўп **[дафтарни бериб чиқади]**.

МУДИР — Меҳмон, шу дафтарга ҳалиги икки оғиз ширин сўзингизни ёзиб қўйсангиз, майлими?

ИНСПЕКТОР — Майли, майли **[ёза бошлайди, сўнг мудирга беради]**.

МУДИР—**[Ўқийди]**. Ошхонада санитария қоидаларига тўла оиоя қилинган ҳолда иш олиб бориляпти, ошхона озода, кам-кўстлар йўқ... Раҳмат, барака топинг. Бермасни оши пишмас деганларидек, бу нега ҳаяллаб кетди. **[Чиқади]**.

ИНСПЕКТОР — **[ошиб ўралган қоғозни очиб кўради]**. Ие, бу қуруқ қоғоз-ку. Лойи қани?..

Б. ХАЛИЛОВ.

ЮЛДУЗЛАР

Мижжа қоқмай тунда
ҳаёл сураман,
Зангори осмонни
қоплайди юлдуз.
Деразам ёнида
кўкка боқаман,
Юлдузлар ўз ҳусни этади
кўз-кўз.
Мунча гўзалликка бойсиз
юлдузлар,
Ҳар бир жилвангизда
ўзгача маъно,
Кеча сукунатин
бузади сойлар,
Ажиб кўркингизга
айтиб тасанно.
Ҳислар қуршовида
хаёлга чўмиб,
Узоқ-узоқларга
тўймай боқаман,
Севинч ёшларимга
юлдузни кўмиб,
Бахтим оғушида
қапот қоқаман.

Камола РАҲИМОВА.

ГУРЖИСТОН ОҲУСИ

Гуржистонлик бир оҳу,
Ғарқ этади кўзлари,
Гўёки бир қултум сув,
Довдиратар нозлари.
Қора денгиз мисоли,
Снёҳ соч тўлқин-тўлқин.
Лов-лов ёнар рухсори,
Каломи мисоли ёлқин.
Қошини қилиб камон,
Мужгонидан отар ўқ,
Нигоҳи бермас омон,
Тамарадек меҳри йўқ.
Умрим қилай бахшида,
Не деса фидойи жон.
Шота бўлиб ишқида,
Бағишлагум зўр достон.
Зулфидан анқиб турар,
Гуржистон чойин бўйи.
Кўнгил кўкида юрар,
Ўшанда фикри-ўйим.

Барот ИСРОИЛ.

ҒАЛАТИ МУСОБАҚА

ЗАМОНГА МОСЛАШИБ

АНГЛИЯДА итлар пойгаси оммалашган. Ана шу пойга чоғида Лондоннинг 60 минг ўринли Уайт Сити стадионига одам сиғмай кетади.

Яқинда ит югуртириш мутасаддилари томошани замонавийлаштиришга қарор қилдилар. Анъанага кўра, тўрт оёқли пойгачилар олдига старт олдидан қуён қўйиб юборилларди. Энди эса механик равишда бураб қўйиладиган ўйинчоқ қуёндан фойдалана бошлашди. Итлар «қуён» тирик эмаслигини кўришса ҳам, ўзларининг овчилик ҳадисини йўқотмадилар. Итлар галаси овозлари борича вовуллаб «қуён» ортидан қува бошладилар. Англияда чиқадиган «Обсевер мэгэзин» журналининг хабар қилишича, итлар 480 метрли масофага ўйинчоқ ортидан югуриб етиб келдилар.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7, 8, 9 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ, САТИРИК ЁЗУВЧИ

САИД АҲМАД

ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН

КУЛГИ ВА ТАРАННУМ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг

ТЕЛЕМИНИАТЮРА ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИ

ва

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

БАХТИЁР ИХТИЁРОВ

Ҳусан ШАРИПОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ

ХОНАНДАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ШЕРМАТ ФАЙЗУЛЛАЕВ

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ғуломжон ЁҚУБОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ.

РАҚҚОСАЛАР:

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

ҚАРИМА УЗОҚОВА

Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Мусиқа раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр ИХТИЁРОВ ва Ҳусан ШАРИПОВ олиб борадилар.

ПРОГРАММАДА: интермедия, сатира, юмор, фельетон, қатра хандалар.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.50 — Гимнастика. 10.10—«Қувноқ стартлар». 10.55 — «Буюк яланғочлар» (бадиий фильм). 12.25 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 13.35 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Рус тили. 16.30 — «Объектив». 17.00 — «Ёзувчи билан учрашув». 17.45 — Концерт. 18.00 — Болалар расмлари телеконкурсининг якуни. 18.30—Янгиликлар. 18.40 — Концерт. 19.10 — Радио кунига. Москва. «Ҳақиқат ва тинчлик овози». 19.40 — «Спортлото». 19.50 — «Балли, қизлар». 21.30 — «Вақт». 22.15 — Хоккей. СССР —ЧССР.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — «Бола бошидан...». 12.10 — Ота-оналар учун консультация. 12.40 — «Суюқчи беринг, одамлар» (спектакль). 14.10 — «Сиҳат-саломатлик». 17.40 — Мультфильм. 17.45—Концерт. 18.45 — Кинокўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Концерт. «Ижод гулшани». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — О. Отажонов куйлайди. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.15 — Озуқа — чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим резерви. 22.30 — «Жудоликдаги йиллар» (телетеатр, биринчи қисм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.45 — Душанба кўрсатувлари.

7 МАЙ ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.50 — «Буратино» кўргазмаси. 10.20 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.50 — «Тонғги почта». 11.20 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 11.50 — «Ойдин соната» (спектакль). 14.10 — «Здоровье». 14.55 — Мультфильм. 16.00 — Мусиқали программа. 16.40 — «Ҳайвонот оламида». 17.40 — Кинопрограмма. 18.10 — Информацион программа. Кўрсатувдан кейин концерт. 19.35 — Мультфильм. 19.55 — Халқаро программа. 20.25 — Фильм-концерт. 20.30 — «Вақт». 22.15 — Эстрада программаси. 00.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Т. Муродов концерти. 10.50 — Нафосат оламида. 11.20 — «Ешлик». 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — Ота-оналар учун консультация. 13.30 — «Ҳей, ювбойлар» (бадиий фильм). 14.35 — «Шахмат мактаби». 17.05 — «Бойчечак». 17.35 — Бугун — радио куни. 17.55 — «Ахборот». 18.10 — Москва. Информацион программа. 19.35 — V Халқаро Тошкент фестивали олдидан (биринчи кўрсатув). 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Х. Охунжонов концерти. 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.15 — Жудоликдаги йиллар (телетеатр, 2-қисм).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

14.15 — Фрунзе кўрсатувлари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6|V да **Концерт** (билетлар сотилган). 7|V да **Доктор Айболит** (12.00). **Пиковая дама** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6|V да **Оқшомдан тушгача.** 7|V да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6|V да **Гулбаҳор қани?**, 7|V да **Шаҳзода ва етим қиз.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ МУВ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Қамал (катта зал). **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кичик зал, кундуз ва кечқуруи).

Туғилиш — «МОСКВА» (11, 14, 17, 20.00). ҲАМЗА номли (11, 13.30, 14, 16.30, 21.00). «НУКУС» (кундуз ва кечқуруи).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16, 18.30).

Томдан сакраш — «ҚОЗОГИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Мўйловли энага — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

ЁЗГИ БИНОДА

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими ва 5-болалар уйи педагогика коллективи шу болалар уйи директорининг ўринбосари

Асқар САБОТАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ЧУМЧУҚ

Ҳа, гап ҳаммага маълум бўлган оддий чумчуқ хусусида кетмоқда. Табиатда ҳамма нарсанинг, жумладан чумчуқнинг ҳам ўз ўрни, вазифаси бор. Одамлар наздида чумчуқлар ҳадсиз ҳисобсиздек кўринади. Аслида-чи?

Бизда чумчуқнинг икки хили —шаҳар чумчуғи ва уй чумчуғи, дала чумчуғи ва қишлоқ чумчуғи мавжуд. Шаҳар чумчуғи тўқ кулранг, дала чумчуғи эса жигарранг. Бу фарқ уларнинг томоғи ва кўкрагидаги ҳолларида ҳам сезилади.

Чумчуқлар баҳордан кузгача икки-уч марта бола очишади ёки бир йилда ўртача 15 тагача тухум қўяди.

Чумчуқлар ёзда далалардаги дон-дун, ўсимликларнинг ширали майсалари, турли қурт-қумурсқа билан овқатланади. Айниқса, буғдой, арпа, шоли ва бошқа донли ўсимликларни ёқтиришади. Боғларда олча, гилос, ўрик, олмаларни маълум даражада нобуд ҳам қилишади. Демак чумчуқлар зарарқунандами экан-да? Шундайми-кин? Агар бу паррандаларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига зарар келтирадиган беҳисоб ҳашаротларни қуришдаги ҳиссасини эътиборга оладиган бўлсак-чи? Бу соҳада айниқса, дала чумчуқларининг хизмати катта. Демак, улар фойдали эканда?

Фойдалими, ёки зарарлими? Бу хусусда кўпгина баҳс юритилади. Хитойнинг ҳаммага маълум тажрибаси шуни кўрсатдики, чумчуқлар бўлмаса шоли билан бошқа ғалла экинлари катта зарар кўрар экан.

ТАБИАТ ОЛАМИДА

Эллигинчи йилларда турли усуллар билан бу мамлакатда неча миллионлаб чумчуқлар кириб ташланди. Кўп ўтмай нима бўлди денг? Тезда кўпайиб кетган ҳашоротлар ҳосилга шундай зарар келтирдики, чумчуқларнинг келтирган зарари унинг олдида ҳеч гап бўлмай қолди.

Ҳозирги пайтда чумчуқлар тўдаси Испаниядан Япониягача ўрмонли Тундрадан Европа, Осиё бўйлаб, Ҳиндистон ва жанубда Индонезияга қадар чексиз территория бўйлаб тарқалган. Шаҳар чумчуқлари янги ўзлаштирилган ва денгиз орти мамлакатларида ниҳоятда тез тарқалди.

Парранданинг бу турини жаҳоннинг жуда кўплаб мамлакатларида учратиш мумкин. Ҳозирги кунда чумчуқларнинг жаҳонгашталиги Москварен, Комор, Филиппин ва Гавай оролларига қадар бўлган катта территорияни «забт» этган.

Дунёда қанча чумчуқ бор? Уни тўла ҳисоблашнинг имконияти йўқ. Америкалик орнитологларнинг ҳисобига кўра АҚШда 150 миллиондан кўпроқ чумчуқ бор. Фараз қилайлик: Европада, Хитой, Жанубий-Шарқий Осиёда ҳам шунча шаҳар ва дала чумчуқлари мавжуд дейлик. Баъзи тахминларга кўра дунёда жами бўлиб 3 миллиардга яқин чумчуқ бор. Агар бу ҳисоб тўғри бўладиган бўлса, ер юзидаги ҳар юз парранданинг бири чумчуққа тўғри келади. Демак, паррандалар ичида энг кўп тарқалгани чумчуқ экан.

Шундай қилиб чумчуқларнинг фойдаси кўпми, ёки зарари, деган саволга фойдаси кўпроқ деб жавоб бериш мумкин.

Ҳ. ҲАКИМОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Бугун ишга борасизми дадаси!

— Э, уйдаманми, мен ўзимни аллақачон ишхонада деб ўйлабман.



— Жемпернинг зўр-ку, қаердан олдинг!

— «Шапка»сини чўз, ҳозир ечиб бераман.



— Дада, ақлни қаерда сотади!

— Савдо масаласида оналигдан сўра.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

ОИЛА ДАВРАСИДА

ОШКОРА СУҲБАТ

ТАНИҚЛИ рус болалар ёзувчиси А. М. Маркушанинг «16 ёшгача бўлган эркакларга» китоби катта эътибор қозонган. Ҳозир у қизларга аталган махсус китоб ёзмоқда. Ёзувчи фикрларининг тарбиявий аҳамиятини назарда тутиб унинг шу янги китобидан парча беришни лозим топдик.

МЕН ҳали қизлар ҳақида китоб ёзишни ўйлаганим ҳам йўқ эди. Лекин қизлар хат ёзиб, нозик саволлар бера бошлашди. Қизлар аниқ, равшан ва тезроқ жавоб кутишяпти.

Хўш, уларни кўпроқ нималар қизиқтиради?

Қиз бола ҳар доим ўзининг гуруҳини пеш қилиши жоизми? Ўзга кишининг меҳр-муҳаббатини қандай қилиб қозонса бўлади? Ота-онаси уни қойимасligи учун у қандай йўл тутиши керак?

Саволлар кўп. Улардан анчаси қанақа қизлар ўғил болаларга кўпроқ ёқади қайси қизлар камроқ ёқади ва нима учун шундай? деган саволлар жумласидандир.

Бу саволларга анча вақтгача жавоб беришга журъат қилолмадим. Мен ўзимнинг доимий мухбирларим бўлган болаларга «Ўртоқлар, менга ёрдам беринглар. Саволларга ўзларингиз жавоб ёзиб юборинглар, ахир»,— деб мурожаат қилдим. Сўнгра ишлар юришиб, хатлар ёғилиб кела бошлади.

Шундай қилиб, «Ёқимтой ва ёқимсиз» деган группаларга ажратса бўладиган қизлар ҳақида хатлар туша бошлади...

Мана, қақажон қизлар, танишинг, ўғил болаларга қайси бирингиз кўпроқ ёқасиз-у, қайси бирингиз камроқ. Фақат хафа бўлмайсиз жавоби кескин ва очиқ-ойдин. Марҳамат:

ЁҚИМТОЙ ҚИЗЛАР:

...Менга ғингилламайдиган ва жизиллamайдиган, сичқон ва қурбақадан қўрқмайдиган қизлар ёқади;

...қувноқларни яхши кўраман;

...сенга ғурур кўзи билан қарайдиган;

... гапи маъноли ва бошқаларни ҳам эътибор билан тинглайдиган;

...меёридан ортиқ доно бўлмаган;

...менинг ҳам унча-мунча ёрдамим тегадиган.

...Менга шундай қизлар ёқадики, улар танцада жим туриб таклиф қилишларини кутади. Ўзлари келиб қўлингдан тортмайди;

...Маъюс, ўйчан,«кўзлари катта ва секин гапирадиган;

...мотоцикл ҳайдовчи, парашютдан сакровчи, йўлбарсларни ўргатувчи, довюрак, жасур қизлар;

..Қиз бола бошқаларга ўхшамасин. Ҳоҳ жонглёр бўлсин, ҳоҳ скрипкачи бўлсин, барибир фақат бошқалардан ажралиб турсин.

КИМЛАР ЁҚМАЙДИ:

...Менга атир-упа ҳиди келиб турадиган қизлар ёқмайди;

...катталарга ўхшаб айтишадиган, такаббурлик қиладиган;

...кўп морожёнов, конфет, ширинликларга хўра қизларни ёмон кўраман.

...Нима яхши, нима ёмонлигини уқтирадиган «насиҳатгўй»ларга тоқатим йўқ.

...Бир-бирларини ғийбатлашганлари ёмон.

...Кун бўйи фойдали иш қилмай, ойнага қараб пардоз-андоз қилиб ўтирадиганлардан нафратланаман.

...Мажлисларда ҳамма масалага аралашиб ўзининг гапини маъқуллайдиган қизлар ёқмайди.

...Ҳеч нарсани билмайди-ю, шуни рўкач қилиб мен бечорага ёрдам беринглар, қўлимдан бирор иш келмайди, дегувчи таманно қизлар кимга ҳам ёқарди.

...Кўзлари уйқудан қизарган, сочларини ёйиб юрган, искирт меровлар,

...Ота-онаси, опа-акасининг мансаби билан мақтаниб юрган қизларни ёмон кўраман...

«Работница» журналидан
Э. МАМАЖОНОВА таржимаси.

Спорт

ХОККЕЙЧИЛАРИМИЗ

ПЕШҚАДАМ

Кейинги йилларда жаҳон ва Европа чемпиони унвони учун асосан СССР ва Чехословакия хоккейчилари даъвогарлик қилиб келишяпти. Прагада ўтказилаётган навбатдаги чемпионатда ҳам СССР ва Чехословакия командалари устунлик қилишяпти. Совет спортчилари навбатдаги турда Швеция хоккейчиларини 6:1, Чехословакия командаси эса канадаликларни 5:0 ҳисобида енгишди. Беш учрашувдан кейин СССР ва ЧССР командалари чемпионатда 10 тадан очко билан биринчи-иккинчи ўринни эгаллаб туришибди.

БОКСЧИЛАРНИНГ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Ҳаваскор боксчилар ўртасида иккинчи жаҳон чемпионати Белградда ўтади. СССР терма командаси сафида қатнашадиган боксчилар орасида тошкентлик Феликс Пак ҳам бор. Ҳамшаҳримиз 54 килограммгача вазнлилар баҳсида рингга чиқади. Терма командага москвалик А. Киселёв билан тошкентлик Б. Гранаткиплар устозлик қилишмоқда.

ҚАҲРАМОН

МУКОФОТИ УЧУН

Наманганда дзю-до спорти бўйича Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ивановский хотирасоврини учун мусобақалар бўлиб ўтди. Бунда республикамиз областлари полвонлари қатори Фрунзе, Душанба, Ереван, Қарағанда ва бошқа шаҳар вакиллари ҳам иштирок этдилар. Тўрт вазнда тошкентлик дзю-дочилар А. Ким, Д. Прокопенко, О. Моторин ҳамда В. Морозовлар ғолиб келишди.

Редактор ўринбосарлари— 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Р. 06444 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д — 2401.